

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида

ХОЖИМУРАТОВА ОДИНА ИМОМНАЗАР ҚИЗИ

**КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИ ИННОВАЦИОН
ФАОЛИЯТИНИ РАЎБАТЛАНТИРИШНИНГ
МОЛИЯВИЙ ДАСТАКЛАРИ**

Мутахассислик: 5А340601-“Давлат молиясини бошқариш”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: проф. Ахунов М.

ТОШКЕНТ – 2013

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	2
I БОБ. КИЧИК БИЗНЕС ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	9
1.1. Инновацион фаолият, унинг иқтисодий мазмуни ва моҳияти.....	9
1.2. Кичик бизнес корхоналари инновацион фаолиятининг асосий хусусиятлари	17
1.3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда кичик бизнеснинг ривожланиши ва инновацион фаолиятининг аҳволи	26
I боб бўйича хулоса	37
II БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ	38
2.1. Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналари инновацион фаолиятини рағбатлантириш механизми	38
2.2. Кичик бизнес корхоналари инновацион фаолиятини молиялаштириш йўллари	50
2.3. Кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини венчер молиялаштириш усули	61
II боб бўйича хулоса	67
III БОБ. КИЧИК БИЗНЕСНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	68
3.1. Кичик бизнес корхоналари инновацион фаолиятини бошқаришдаги илғор хорижий тажрибалар ва улардан фойдаланиш йўналишлари.....	68
3.2. Кичик бизнес инновацион фаолиятини ривожлантириш истикболлари	78
III боб бўйича хулоса	86
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	87
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	91

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим жиҳатларидан бири, бу - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш асосида мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмини кескин ошириш, бандлик масалаларини ҳал қилиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда миллий фаровонликни таъминлашдан иборатдир. Чунки, йирик ишлаб чиқариш объектларига қараганда кам сармоя талаб қиладиган ҳамда турли ўзгаришларга мойил бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулот турларини янгилаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва шу билан бирга, бозор конъюнктурасининг беқарор ҳамда вақти-вақти билан такрорланиб турадиган иқтисодий инқирозлари шароитига тез мослашувчандир.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг рағбатлантирилиши мамлакат иқтисодий тараққиётининг ҳал қилувчи стратегик омилларидан бири ҳисобланади. Ҳукуматимиз томонидан чиқарилган бир қатор қарорлар натижасида бошланган кичик бизнес корхоналарини ташкил этиш ва уни рағбатлантириш жараёни кейинги йилларда иқтисодиётимизда муҳим ижобий ўзгаришларга олиб келмоқда.

Кейинги йилларда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ, божхона, ташқи иқтисодий фаолият ва бошқа соҳаларда турли имтиёзлар бериш орқали уларнинг ҳар томонлама ривожланишига имкониятлар яратилди. Улар фаолиятига давлат бошқаруви ва назорат органларининг ноқонуний аралашувига чек қўйилмоқда, ҳокимият органларидан тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтиш тартиби кескин соддалаштирилди, уларга хизмат кўрсатишда сансоларликка йўл қўйган раҳбар ва масъул ходимлар жавобгарлигини ошириш бўйича тегишли меъёрий ҳуқуқий база кундан-кунга такомиллашиб бормоқда.

Мамлакатимиз ва ҳорижлик йирик иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мавзулари ўрганилган.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, тадқиқотчилар ўзларининг эътиборини асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий иқтисодий мазмунини очиб беришга, унинг умумназарий масалаларини ўрганишга, жамият ҳаётини моддий жиҳатдан кўтаришда уларнинг ўрни ва аҳамиятини асослашга қаратганлар.

Шу билан бирга, кичик бизнес фаолиятини инновацион ривожлантириш хусусиятлари ва муаммоларни тадқиқ этишга етарлича эътибор бермаганлар. Шунинг учун кичик тадбиркорлик субъектлари инновацион фаолиятини ривожлантиришнинг амалий йўллари илмий умумлаштирилган ҳолда етарли даражада таҳлил қилинмаганлиги ва бошқа муҳим ечилмаган муаммоларнинг мавжудлиги келгусида мазкур соҳани янада чуқур ўрганишни, кўплаб илмий тадқиқотлар олиб боришни тақоза этади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида иқтисодиётнинг реал секторини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида иқтисодиётда инновацион жараёнларни фаоллаштириш, айниқса, кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини рағбатлантириш юқори натижа беради.

Шу жиҳатдан, республикамызда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини рағбатлантириш механизмининг такомиллаштириш ва унинг таркибий қисми сифатида молиялаштириш йўллари тадқиқ қилиш бугунги куннинг муҳим ва долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу магистрлик диссертация иши ҳозирги кунда мамлакатимизда кичик бизнеснинг аҳволини таҳлил этиш, унинг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш тизимининг мазмуни ва моҳиятини илмий асослаш ҳамда самарали ривожлантириш масалаларига бағишланган.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти танланган. Тадқиқотнинг предмети

кичик бизнес субъектлари инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш механизми ҳамда уни такомиллаштириш билан боғлиқ ташкилий - иқтисодий муносабатларни ўз ичига олади.

Тадқиқот мақсади – Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётган бир шароитда Ўзбекистонда иқтисодиётни барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш жараёнларида кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш ва молиялаштиришнинг самарадорлигини ошириш йўллари тадқиқ қилиш ҳамда тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқот ишининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги вазифаларни ҳал этиш белгиланган:

- инновация категориясининг мазмуни, унинг иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамиятини асослаш;
- республикамізда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш жараёнлари ва босқичларини таҳлил этиш;
- кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш ва уни бошқариш тизимининг замонавий ҳолатини баҳолаш ва асосий хусусиятларини аниқлаш;
- республикамізда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини рағбатлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш ва уларни янада кенгайтириш йўллари асослаб бериш;
- кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини молиялаштириш тизимининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш ва уни такомиллаштиришни тадқиқ қилиш;
- кичик бизнес корхоналари инновацион фаолиятини венчур молиялаштириш усулининг моҳияти ва аҳамиятини очиқ бериш;
- кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини рағбатлантиришда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва уларни мамлакатимиз иқтисодиётида фойдаланиш йўллари асослаш;

➤ кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уларни истикболда ривожлантириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш

Тадқиқотда қўлланилган услублар. Тадқиқот жараёнида тизимли ва омилли таҳлил қилиш, иқтисодий-математик, статистик гуруҳлаш ва эксперт баҳолаш каби усуллардан кенг фойдаланилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг назарий асослари, уни ривожлантириш ва бошқариш масалалари кўплаб хорижлик олимларнинг ишларида ёритилган ҳамда асослаб берилган. Жумладан, бу боада А.Смит, Й.Шумпетер, Л.Мизес, Ф.Хайека, Ж.Кади, Р.Хизрич, С.Питерс, П.Друкер, Д.Кларк, А.Хоскинг, Т.Геобро, Э.Харгадон, Р.Фостер каби олимларнинг ишлари муҳим аҳамиятга эгадир.

МДХ мамлакатларининг олимларидан В.П.Баранчев, Р.А.Фатхудинов, И.В.Сузин, И.Кратко., Л.Дашков., В.М.Набатников, В.Д.Секерин, Ю.Равенский, А.И.Агеев, А.В.Лившиц, Ю.М.Осипов, В.А.Макаров, В.Крупнов, С.Замков ва бошқаларнинг ишларида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқаришнинг илмий-назарий ҳамда амалий асослари тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг умумий муаммоларини, шу жумладан, унинг бошқарув тизимини тадқиқ қилиш бўйича И.А.Каримов, М.Шарифхўжаев, С.С.Ғуломов, Б.Ю.Ходиев, Ё.Абдуллаев, А.Ш.Бекмуродов, Ш.Н.Зайнутдинов, Д.Н.Рахимова, Н.Қ.Ўлдошев, Т.М.Ахмедов, Б.Беркинов, Б.К.Ғойибназаров, Н.Тухлиев, А.Ф.Расулов ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқотларини кўрсатиш мумкин.

Юқорида қайд этилган тадқиқотлар муҳим илмий ва услубий манба ҳисобланиб, бугунги кунда республикада кичик бизнеснинг мавжуд салоҳияти ва ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уни ривожлантиришни давлат томонидан рағбатлантириш бўйича қатор чора-

тадбирлар қабул қилинган. Лекин кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини молиялаштириш муаммоларини тизимли тадқиқ этишга қаратилган илмий тадқиқотлар деярли амалга оширилмаган. Кўрсатилган ҳолатларни инобатга олган ҳолда, мазкур масалани имкон даражада тадқиқ этиш учун диссертация мавзуси танланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини рағбатлантиришнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларидан олинган ва ҳимояга қўйилаётган илмий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

- “инновация”, “инновацион жараёнлар”, “кичик бизнес” ва “кичик бизнес инновацион фаолияти” тушунчаларининг мавжуд таърифлари қиёсий ўрганилиб, умумлаштирилиб, муаллиф томонидан янги мазмундаги фикр-мулоҳазалар билан тўлдирилди;

- кичик бизнес субъектларини ривожлантириш ва инновацион фаолиятини таҳлил қилиш услубияти такомиллаштирилди;

- мамлакатимизда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ташкил этишнинг истиқболли йўналишлари асослаб берилди;

- кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг асосий йўналишлари ва манбалари тизимлаштирилди;

- кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини рағбатлантиришнинг энг муҳим йўналиши сифатида уни молиялаштириш механизм ишлаб чиқилди;

- кичик бизнес субъектларининг инновацион лойиҳаларини тижоратлаштириш ва уларни молиялаштиришнинг венчур усули таклиф этилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Кичик бизнес субъектларини самарали ривожлантириш, инновацион фаолиятини бошқариш, рағбатлантириш ва молиялаштириш тизимини такомиллаштиришга оид ишлаб чиқилган амалий тавсия ва таклифлардан

республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришда, илмий-тадқиқот ишларида, шунингдек иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида “Менежмент”, “Инновацияларни бошқариш”, “Кичик бизнес ва тадбиркорлик” ва “Микроиқтисодиёт” ва бошқа фанларни ўқитиш амалиётида назарий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Диссертация таркибининг қисқачи тавсифи. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Унинг умумий ҳажми 94 бет бўлиб, унда 4 та жадвал, 4 та расм мавжуд.

I БОБ. КИЧИК БИЗНЕС ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Инновацион фаолият, унинг иқтисодий мазмуни ва моҳияти

Бозор иқтисодиёти шароитида барча ривожланган мамлакатлар ўзларининг юксак тараққиёт даражасига фан ва техника соҳасида қўлга киритилаётган илмий-техникавий ютуқлар ва уларни ҳаётга кенг тадбиқ қилиш, айниқса ишлаб чиқаришга самарали жорий этиш натижасида эришаётганлиги яққол намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам замонавий фаннинг турли йўналишларида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Илмий жамоаларнинг фаолияти республика иқтисодиёти ва унинг реал секторини ривожлантиришнинг устувор вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган.

Мавжуд илмий потенциалдан кенг қамровли фойдаланиш орқали самарали инновацион тизимни шакллантириш изчиллик билан амалга оширилаётган ислохатлар доирасидаги биринчи даражадаги вазифалардан бири ҳисобланмоқда. Бунда давлатнинг илмий натижаларни амалиётга жорий этиш бўйича тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш учун шарт-шароитлар яратишдаги иштироки алоҳида ўрин эгалламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш лозим”¹.

Бугунги кунда Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги № ПК-

¹Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби”. 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2009 йил 14 феврал.

916-сонли Қарори қабул қилиниши ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида ҳукумат томонидан бир қатор чора-тадбирларнинг ишлаб чиқиши мамлакатимизда инновацион фаолиятни янада ривожлантиришга йўл очиб бермоқда.

Ҳозирги замон фан-техника тараққиёт тенденциясида иқтисодий ўсишнинг энг мақбул ва самарали омилларидан бири сифатида инновацион фаолиятни ривожлантириш ва уни рағбатлантириш масаласига эътибор кучайтирилмоқда. Албатта, замонавий тараққиёт инновацион фаолиятнинг натижаси сифатида олинadиган интеллектуал маҳсулотсиз ҳеч қандай мазмун ва маънога эга бўлмайди.

Илм-фан ва иқтисодий ҳаётни ўзаро узвий алоқаси кенгаймоқда. “Кучли фан – кучли иқтисодиёт” ибораси нафақат бугунги кун учун, балки инсоният келажаги учун ҳам долзарб бўлиб қолмоқда².

Кейинги беш йил давомида ҳар йили Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика Ярмаркаси ўтказилмоқда. Инновацион ярмарканинг мақсади мамлакатда вазирликлар ва идоралар тизимида, илмий-тадқиқон, таълим, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, бизнес субъектлари, ихтирочилар ва рационализаторлар ва хусусий шахслар томонидан яратилган инновация янгиликлари билан хабардор қилиш, уларни амалиётга тадбиқ қилиш учун шартномалар тузиш ва ахборотлар алмашинувини амалга оширишдан идоратдир. Жумладан, жорий йилда ўтказилган инновация ярмаркасида Давлат фан-техника дастури доирасида ишлаб чиқилган 350 дан ортиқ технологиялар, методлар, ишланмалар ва инновацион ғоялар намоиш этилди.

Мамлакатимизда тўлақонли инновацион муҳитни шакллантиришдан асосий мақсад – илм сарфи юқори ва юқори технологияга асосланган ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, кичик инновацион тадбиркорликнинг мутассил ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳалари ривожланишидаги

²Кирпичников М. «Наука как основа экономики». Доклад министра науки и технологий РФ. М.: 2006. Стр. 1.

долзарб муаммоларни ечиш учун илмий, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг илмий-техник салоҳиятидан самарали фойдаланиш, корхоналарнинг, айниқса кичик бизнес корхоналарининг инвестицион ва инновацион фаоллигини оширишга турки бериш ҳамда инновацион фаолиятни кенгайтиришга инвестицияларни жалб қилишдир.

Шунга кўра, танланган магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблигидан келиб чиққан ҳолда, “инновация” категориясининг мазмуни ва унинг аҳамиятини тадқиқ қилиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Фанда “Инновация” ибораси инглизча “innovation” сўзидан олинган бўлиб, “янгилик киритиш” деган маънони билдиради. Бунинг заминида эса янги тартиб, янги одат, янги усул, кашфиёт, янги қараш ва ғоялар ётади.

Инновация деганда янги илмий техник ютуқни ифодалаб, янги маҳсулотни яратиш, амалда қўллаш жараёни ҳам тушунилади.

Иқтисодий адабиётларда “инновация” тушунчаси илмий-техника салоҳиятини реал, янги маҳсулот ва технологияларни юзага чиқарадиган жараён сифатида талқин этилади³.

Инновациялар ёки «янги комбинацияларни амалга ошириш» тушунчасига йирик иқтисодчи олим Шумпетер ташкилот, маҳсулот ёки ишлаб чиқариш жараёнини доимий такомиллаштириш йўли билан олинувчи стратегик афзаллик ва ютуқларни киритган.

Шумпетернинг қарашларида инновация сифатида қуйидаги беш ҳол назарда тутилганлигини кўриш мумкин:

- янги неъмат тайёрлаш;
- ишлаб чиқаришнинг янги усулини жорий қилиш;
- янги сотув бозорини ўзлаштириш;
- хом ашё ёки ярим тайёр маҳсулотлар янги манбасига эга бўлиш;
- тегишлича қайта ташкил қилиш, масалан, монопол ҳолатни таъминлаш⁴.

³Ковалёв Г.Д. Основы инновационного менеджмента. –М., 1999. – Стр. 192.

⁴Шумпетер И. Теория экономического развития (исследование предпринимательской прибыли, капитала, кредита, процента и цикла конъюнктуры).-М.: Прогресс, 1982. - С. 159.

Шунингдек, машхур тадқиқотчи олим П.Друкер ҳам инновациянинг иқтисодий мазмунини асослаб беришга ҳаракат қилади ва тадбиркорлар унинг ёрдамида янги хизматлар ёки бизнес турини амалга ошириш каби ўзгаришлардан фойдаланадиган ўзига хос бир алоҳида воситаси сифатида таърифлайди⁵.

П.Друкернинг таърифи Й.Шумпетернинг классик таърифи моҳиятини тўлдириб, бир вақтнинг ўзида самарали ривожланишнинг шарти сифатида ташкилий-иқтисодий омилнинг аҳамиятини ва янги товарларни амалиётда қўллаш заруратини таъкидлайди.

Кўпчилик тадқиқотчилар ишлаб чиқаришни ривожлантириш интенсивлигининг тўғридан-тўғри тавсифи ҳисобланган технологик инновацияларга эътибор қаратади. Улар қаторига фан-техника тараққиётини белгилаб берадиган ишлаб чиқариш технологиялари, усуллар, воситалар ва ўзгаришлар киритилади⁶.

Инновацион фаолиятнинг моҳияти биринчидан, амалиётга янги, такомиллашган ишлаб чиқаришни жорий этиш, иккинчидан, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг барча турларини қисқартириш, учинчидан, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар нархларини пасайтиришда уларни истеъмол ва сифат хусусиятларини доимий равишда ошириб бориш билан изоҳланади⁷.

Шундай қилиб, илмий асосланган янгиликлар тарқатилиш ва жорий этилиш пайтидан бошлаб инновацияларга айланади. Инновацияларни бозорга татбиқ этиш жараёни инновацияларни тижоратлаштириш жараёни деб аталади.

Бизнинг фикримизча, инновация – бу қандайдир янги ёки сезиларли даражада яхшиланган маҳсулот (товар, хизмат) ёки жараённи, маркетингнинг янги услубини, иш амалиётида, иш жойларини ташкил қилишда ёки ташқи алоқаларда янги ташкилий услубни истеъмолга киритишдир.

⁵ Друкер Питер Ф. Практика менеджмента. - М.: ИД Вильяме, 2003. - 398 с.

⁶ Бизнес-Путеводитель: деловой еженедельник, 2006- 32 с.

⁷ Классификация основных видов инноваций. Динамика инноваций различных типов. http://spa.msu.ru/molchanova/Innov_Management 2/02-01.htm

Инновация - бу капитални янги техника ёки технологияга, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги шаклларига, хизмат кўрсатишга, бошқаришга ва бошқаларга жалб этишдан олинган моддийлаштирилган натижадир. Инновацияларни яратиш, ўзлаштириш ва тарқатиш жараёни инновацион фаолият ёки инновацион жараён сифатида тушунилади.

Инновацион фаолиятнинг натижасини инновацион маҳсулот деб ҳам аташ мумкин.

Инновация янги турдаги ёки такомиллаштирилган ва бозорда сотишга мўлжалланган маҳсулот яратишни, амалий фаолиятда қўлланиладиган янги турдаги ёки такомиллаштирилган технологик жараёни ўзида акс эттирадиган инновацион фаолиятнинг пировард натижасидир.

Бундан ташқари, “инновация” термини билан “ихтиро” ва “кашфиёт” тушунчалари ҳам боғлиқдир.

Одатда, “ихтиро” деганда инсоният томонидан илгари фанга маълум бўлмаган янги асбоблар, ускуналар ва механизмлар яратиш тушунилади.

“Кашфиёт” тушунчаси эса фанда илгари маълум бўлмаган маълумотларни олиш ёки табиат ҳодисаларини кузатиш жараёнини билдиради.

Инновациянинг минимал аломати маҳсулот, жараён, маркетинг ёки ташкилий услуб, у мазкур фирмада яратилган ёки ўзлаштирилганлигидан қатъий назар, мазкур ташкилотнинг амалиёти учун янги (ёки сезиларли даражада яхшиланган) бўлиши зарурлигидир.

Инновацион фаолият ҳақиқатдан инновацияни амалга оширишга олиб келадиган ёки шу мақсад билан кўзлаб қилинган барча илмий, технологик, ташкилий, молиявий, тижорат, маркетинг ҳаракатлардир. Шунингдек, инновацион фаолият қандайдир аниқ инновацияни тайёрлаш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган тадқиқотлар ва ишланмаларни ўз ичига олади.

Замонавий иқтисодиётда инновациянинг роли кун сайин ортиб бормоқда. Инновацияни қўлламасдан туриб илм сарфи ва янгилиги юқори даражада бўлган рақобатбардош маҳсулотларни яратиш мумкин эмас.

Шунинг учун бозор иқтисодиётида инновациялар рақобат курашида самарали восита ҳисобланиб, янги талабларнинг вужудга келишига, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаражатларининг камайишига, инвестиция оқимининг кўпайишига, янги маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг имиджи, яъни рейтинги ошишига, янги ички ва ташқи бозорларни очиш ҳамда эгаллаб олишга олиб келади.

Инновация фаолиятини ўрганиш предмети иккита таркибий қисмдан иборатдир: инновация фаолияти субъекти ва инновация фаолияти объектлари.

Инновация фаолияти субъектлари сифатида қуйидагилар ҳисобланади:

- инновация фаолиятини амалга оширишда иштирок этаётган давлат ташкилотлари;
- инновацияларни яратаётган ва амалга ошираётган жисмоний ва юридик шахслар;
- асосий фаолияти инновацияларни яратиш, улардан фойдаланиш, тижоратлаштирилиш ва тарқалишига ихтисослашган субъектлари (технологик парклар, инновация фондлар, инновация марказлари, инновация фаолияти инфратузилмасининг инновацион ва бошқа ташкилотлари).

Инновация фаолияти объектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- давлат инновация ишлари дастурлари ва инновация илмий-техника лойиҳалари;
- илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар ва интеллектуал фаолият натижалари: ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, дастурий маҳсулотлар, ноу-хау, янги технологиялар, техник, технологик ва қурилиш инжиниринг объектлари ва бошқа инновация маҳсулотлари.

Бугунги кунда самарали инновацион фаолиятни таъминлашда уларга кўмаклашувчи турли ташкилотлардан ташкил топган инновацион инфратузилманинг шаклланиши шартдир.

Инновацион инфратузилма - бу ташкилий, бошқарув, моддий-техник, молиявий, ахборот, кадрлар бўйича, консалтинг ва бошқа хизматларни

муассамлаган, инновация лойиҳаларини амалга оширишга имкон берувчи инновация фаолияти субъектларининг мажмуасидир. Инновацион инфратузилмага таркибий жиҳатдан қуйидаги асосий функциявий элементларни киритиш мумкин:

давлат инновация лойиҳалари ва дастурларининг буюртмачилари (кейинги ўринларда – буюртмачилар деб юритилади);

илмий-тадқиқот, лойиҳалаш-конструкторлик ва таълим муассасалари;

ишлаб чиқариш ташкилотлари ва уларнинг бирлашмалари;

инновацион ташкилотлар;

инновация марказлари;

инновация ва венчур фондлари;

инновация фаолиятида иштирок қилувчи нодавлат ноижорат ташкилотлар;

инновация фаолиятини амалга ошираётган хорижий юридик ва жисмоний шахслар;

қонунчиликка мувофиқ инновация фаолиятини амалга ошираётган бошқа ташкилотлар.

Бозор иқтисодиёти ислохатлари изчиллик билан амалга оширилаётган Ўзбекистонда инновация билан шуғулланадиган субъектлар доирасида кичик бизнес корхоналарининг фаолияти натижаси сифатида турли маҳсулотларни ишлаб чиқариш муҳимдир.

Инновацияни амалга оширган кичик корхона уни ўз ҳудудига рақобатчилардан (халқаро фирмаларни ҳам қўшган ҳолда) аввал чиқарса, инновациялар бозор учун янги ҳисобланади. Агар қайсидир маҳсулот, жараён, маркетинг ёки ташкилий услублар бошқа фирмаларда ишлатилаётган бўлиб, лекин мазкур фирма учун янгилик (ёки маҳсулот ёки ишлаб чиқариш жараёни сезиларли даражада яхшиланган) бўлса, инновациялар фирма учун янги ҳисобланади.

Янги маҳсулот ва жараёнларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш, шунингдек маҳсулот ва жараёнларни сезиларли такомиллаштириш; технологик

жиҳатдан янги ёки сезиларли такомиллаштирилган хизматла ва ишлаб чиқариш (кўрсатиш) усуллари ишлаб чиқариш ва жорий этиш технологик инновациялар сифатида қабул қилинади.

Инновациялар инобатга олинадиган технологик параметрларига қараб маҳсулот инновациялари ва жараён инновацияларига бўлинади.

Маҳсулот инновациясига янги ёки сезиларли даражада яхшиланган товар ва хизматлар, полуфабрикатлар ва эҳтиёт қисмлар киради.

Жараён инновацияси – янги ёки сезиларли даражада яхшиланган ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш услубини, техник жараёнлар, ускуналар ёки дастурий таъминотдаги сезиларли ўзгаришларни, ишлаб чиқиришни ташкил этишнинг янги методлари яратишдир.

Ташкилий инновация – бу фирманинг иш амалиётига янги ташкилий услубни жорий этишдир. Ташкилий инновацияларга фирма биринчи марта фойдаланаётган иш амалиётини ташкил қилиш, иш жойлари ёки ташқи алоқаларни ташкил қилиш масалалари киради.

Ташкилий инновация энг яхши ҳаракат усуллари, ўқув материаллари ва уларни янада оммабоп қиладиган бошқа маълумотларни ўз ичига олган янги маълумотлар базасини ташкил қилишни, фирма фаолияти интеграл мониторинги тизимини биринчи бор жорий этишни (ишлаб чиқариш, молия, стратегия, маркетинг), таъминот занжирини, бизнесни қайта ташкил қилишни, ишлаб чиқаришни қисқартиришни бошқариш тизимини ёки сифатни бошқариш каби умумий ишлаб чиқариш ёки таъминлаш операцияларини бошқариш тизимини биринчи бор жорий этишни ва бошқаларни ифодалайди.

Вужудга келиш манфаати бўйича инновациялар асосан уч турга бўлинади:

- фан ва техникани ривожланиши билан боғлиқ инновациялар;
- ишлаб чиқариш эҳтиёжи билан боғлиқ инновациялар;
- бозор талаби билан боғлиқ инновациялар.

Корхоналарнинг фаолияти турларига қараб инновациялар технологик, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий, савда ва бошқариш соҳаси кўринишида

ҳам квалификацияланади.

Демак, инновация иқтисодий категория сифатида ишлаб чиқариш ва янгиликларни қўллашнинг энг умумий хоссаларини, аломатларини, алоқалари ва муносабатларини акс эттиради. Айниқса инновацияларнинг корхоналар рақабатбардошлигини оширишдаги функцияси муҳим аҳамиятга эгадир.

Ишлаб чиқариш функциясига кўра, инновация кенгайтирилган ишлаб чиқиришни молиялаштиришнинг энг зарурий манбасини билдиради. Инновациянинг иқтисодий моҳияти унинг натижасидан фойда олишни ва молиявий ресурслар манбаси сифатида фойдаланишда кўринади.

1.2. Кичик бизнес корхоналари инновацион фаолиятининг асосий хусусиятлари

Маълумки, мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши кўп жиҳатдан турли мулкчилик шаклидаги хўжалик субъектларининг, корхоналарнинг қай даражада шаклланганлигига боғлиқ. Фақат турли мулкчилик муносабатларига асосланган хўжалик субъектлари орасидаги оптимал нисбатгина юқори самарадорли ишлаб чиқаришни ташкил этишга катта имкон яратади.

Айтиш мумкинки, иқтисодиёти барқарор ривожланган мамлакатларда бу масала етарли даражада ҳал этилган. Албатта ривожланган мамлакатларнинг бу йўналишдаги тажрибасини тўғридан-тўғри, ҳеч бир ўзгаришсиз бошқа мамлакат иқтисодиётига жорий этиш мумкин эмас. Чунки ҳар бир мамлакатда иқтисодиёт таркибини мулкчилик шакллари бўйича тузиш ўзига хос омилларни ҳисобга олишни тақоза этади. Биринчидан, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарни ташкил этишда мамлакатнинг ўзига хос шарт-шароитлари ҳисобга олинади; иккинчидан, мамлакатнинг иқтисодий ресурслар (моддий ва меҳнат ресурслари) билан қанчалик таъминланганлик даражасига боғлиқ; учинчидан, тармоқлар таркибининг хусусиятлари, экспорт-импорт операцияларининг ҳажми муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, мамлакатда ҳар хил даврда корхоналар таркибининг оптимал нисбати турлича бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришга, яъни кўп

укладли иқтисодиётни қарор топтириш жараёни, кўпгина мустақил ҳамдўстлик мамлакатларидан фарқли ўлароқ, босқичма–босқич ва давлат томонидан тартибга солиш асосида амалга оширилмоқда, айниқса, кичик ва хусусий тадбиркорликни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги даврда бизнинг республикамызда иқтисодиётни ривожлантириш барча тармоқлардаги таркибий ўзгаришлар билан бирга олиб борилмоқда. Айниқса ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига инновацияларни киритиш жараёнида кўп муаммолар пайдо бўлмоқда ва уларни ўз вақтида ҳал этиш керакли кадрлар ва моддий техника базаси билан таъминлаш масалаларини ечишни ҳамда ташкилий ва услубий тадбирларни, илмий изланишларни талаб этади.

Инновацион муҳитни шакллантириш доимий равишда маҳсулотни янгилаш, ишлаб чиқариш фондларини янги техника асосида янгилаш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш имкониятини яратади ва муҳим омил ҳисобланади.

Инновацион жараёни кичик бизнес соҳасидаги муҳитга мувофиқлаштириш, унинг самарасини ошириш мавжуд ижтимоий-иқтисодий имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни тақозо этади. Асосий эътибор бозор рақобати шароитида энг оқилона вариантларни танлаш, фойдалилик даражасини таъминлаш ва кичик корхона фаолиятини жадаллаштиришга қаратилиши лозим бўлади.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, кўплаб ривожланган мамлакатлар юксак тараққиёт даражасига фан ва техника соҳасидаги энг сўнги инновацияларни ишлаб чиқаришга тез ва кенг кўламда жорий этиш ҳисобига эришмоқдалар.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик инновацион фаолиятини ривожланиш босқичларини ўрганиш юзасидан амалга оширилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорлик фаолияти XVI асрдан бошлаб иқтисодчи олимлар диққат марказида бўлиб келган. Қуйида тадбиркорлик ва инновация

тушунчаларининг мазмуни ва моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган айрим иқтисодчи олимларнинг илмий қарашларини ва фикрларини келтирамиз.

Тадбиркорлик ва инновация фаолияти назариясига катта ҳисса қўшган австриялик иқтисодчи олим И.Шумпетер “тадбиркорлик - ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг янги комбинацияларини амалга оширадиган ва шу билан иқтисодий тараққиётни таъминлайдиган киши”, - деб таърифлайди⁸.

Р.Хизрич тадбиркорликни инновация тушунчаси билан боғлаган ҳолда: “тадбиркорлик – қийматга эга бўлган янги нарсани яратиш жараёни бўлиб, тадбиркор эса бунда таваккалчиликни зиммасига олувчи кишидир”, - деб талқин қилган⁹.

П.Друкер “тадбиркорлик инновацияни бошқариш жараёни бўлиб, тадбиркор эса ҳар бир имкониятдан максимал фойдаланувчи шахс”, - деб тушунтиради¹⁰. У инновацияларнинг айнан иқтисодий асосини таъкидлаб, “тадбиркорлар инновация ёрдамида янги хизматлар ёки бизнес турини амалга оширади”, - деган ғояни илгари суради.

Мамлакатимиз олимларидан академик С.Ғуломов тадбиркорликни инновация билан боғлаган ҳолда: “тадбиркор шундай инсонки, у пул маблағлари, материал ва ишчи кучини жамлаштириб, янги маҳсулот, янги бизнес ва янги ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этади”¹¹, деб илмий таъриф берган.

С.Ғуломов ва Б.Ғойибназаровларнинг таъкидлашича, “кичик бизнес корхоналари янги инновациялар ва ташаббускорликни талаб этиб, шулар асосидагина иқтисодий ривожланишни таъминлаш мумкин. Бунинг учун кичик бизнес корхоналари фан ва техникада эришилган сўнги инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор қрататишлари лозим”¹².

Ҳозирги пайтда жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви ва рақобат муҳити кучайиб бориши, бозор конъюктураси ва истемолчилар эҳтиёжлари тез

⁸Шумпетер Й. Теория экономического развития, Пер. с англ. –М.: Прогресс. 1992

⁹Хизрич Р. Питерс М. Предпринимательство//Вып.1. – М.: 1991 Друкер П. Рынок: как выйти в диллеры. Практика и принципы.- М.: 1992

¹⁰Друкер П. Рынок: как выйти в диллеры. Практика и принципы.- М.: 1992

¹¹Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: 1998

¹²Ғуломов С.С., Ғойибназаров Б.К. Иқтисодий юксалиш омиллари.//Халқ сўзи, 2007 йил 27 февраль

ўзгариши жараёнлари ҳар бир хўжалик юритувчи субъектдан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқаришни ҳаётий заруриятга айлантирмоқда. Бу эса корхоналарнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш ва самарали бошқаришни талаб этмоқда.

Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти энг аввало, амалиётга янги, такомиллашган ишлаб чиқаришни жорий этиш, иккинчидан, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг барча турларини қисқартириш, учинчидан, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар нархларини пасайтиришда уларнинг истеъмол ва сифат кўрсаткичларини доимий равишда ошириб боришни назарда тутди.

Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш кўп жиҳатдан унинг бошқарув тизими самарадорлигига боғлиқ. Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантиришдан мақсад бутун ишлаб чиқариш тизимини янгилаш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, илмий – техник, интеллектуал ва иқтисодий салоҳиятдан самаралироқ фойдаланиш асосида соҳа рақобатбардошлигини оширишдан иборатдир.

Мукаммал рақобат жамият учун жуда кучли стимул бўлиб, ишлаб чиқариш харажатларини минимумлаштиришга ва иш ҳақини унинг меъёрий унумдорлигига максимал яқинлаштиради.

Кичик бизнес ривожланган ва ривожланаётган ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг асосидир. Кичик бизнесни жадал ривожлантириш барқарор иқтисодий ривожланишнинг муҳим стратегик вазифаси, мамлакат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришнинг асосий бўғини, аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг даромадлари манбаи, миллий фаровонликни таъминлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Кичик корхоналарда йирик корхоналарга қараганда, айниқса иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларида инновацион жараёнлар, тадбиркорлик руҳи кўпроқ кўринади. Шунинг учун ҳам кичик ва ўрта бизнес

замонавий тармоқлар ҳисобланган электроника, компьютерлаш ва бошқа соҳаларда кўпроқ ўрин эгаллаган.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, кичик корхоналар кишилардаги ташаббускорлик, соҳибкорлик, тадбиркорлик ва мулкка эғалик қобилиятларини рўёбга чиқариш воситаларидан бири ҳисобланади. Ўрта мулкдорлар табақасини шакллантириш, аҳоли иқтисодий аҳволи ёмонлашувинининг олдини олиш ҳам иқтисодиёт мазкур секторининг қанчалик даражада ривожланганлигига боғлиқ.

Кўплаб адабиётларда қайд этилганидек, кичик бизнес қуйидаги ўзига хос бошқа афзалликларга ҳам эга: ўз ҳаракатида бошқа корхоналарга боғлиқ бўлмаган ҳолда, мустақил ҳаракат қилади; шароитга қараб ўз вақтида, тезда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш конъюктурасини ўзгартиришга қарор қила олади; маҳаллий шароитларни, аҳоли талаб-истагига, урф-одатларига, маҳаллий бозорнинг талабига тез мослаша олади; қисқа муддатда фойда кўриш имкониятига эга бўлади, ишлаб-чиқариш циклининг қисқа вақтлилиги; ишлаб чиқариш ҳажмининг нисбатан кичиклиги сабабли банкротга учраган ҳолда ҳам моддий зарарнинг унчалик катта миқдорни ташкил этмаслиги; фан ва техника янгиликларини тезда тезда жориш қилиш мумкинлиги.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қайд этишимиз жоизки, кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш ва улар фаолиятига бошқарувнинг инновацион технологияларини жорий этиш қуйидаги омиллар ҳисобига муҳим зарурият ҳисобланади:

биринчидан, кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиш хусусиятларига эга эканлиги инновацион технологияларни жорий этишда йирик корхоналарга нисбатан таваккалчилик даражасининг пастлиги жиҳатидан яхши самара беради;

иккинчидан, кичик бизнес субъектлари фаолиятига инновацион технологияларни жорий этилиши уларни юқори трансакцион ҳаражатларини камайтириб, рентабеллик кўрсаткичларини оширади;

учинчидан, кичик бизнес субъектларининг янгиликларни тезкорлик билан ўзлаштира олиш салоҳияти уларга инновацияларни тижоратлаштиришдан юқори даромад олиш имкониятини беради;

тўртинчидан, кичик бизнес субъектлари фаолиятига бошқарувнинг инновацион технологияларини жорий этилиши улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннарҳини камайтириш, товар ва хизматлар номенклатурасини ошириш, янги товарлар турларини сотиш ҳажмларини кенгайтириш ҳамда маҳсулот сотишнинг истиқболли бозорларини ўзлаштириш ҳисобига уларнинг экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигини оширади.

Кичик бизнес субъектлари фаолиятини мукаммал модернизация ва замонавий инновацион технологиялар асосида ташкил этиш долзарб масалага айланмоқда. Жаҳон иқтисодиётида инновациянинг ўрни ортиб бораётганлиги жараёнида кичик бизнес корхоналари фаолиятида уни қўлламасдан туриб, илмийлик ва янгилик даражаси юқори бўлган рақобатбардош маҳсулотлар яратишлари мумкин эмас.

Бозор иқтисодиётида кичик бизнеснинг инновацион фаолияти рақобат кураши учун самарали восита ҳисобланиб, янги истеъмолчиларнинг пайдо бўлишига, маҳсулотлар таннарҳини камайтиришига, инвестицияларнинг кириб келишига, янги маҳсулот ишлаб чиқарувчилар рейтингининг ошишига, ички ва ташқи янги бозорларни очишга ва эгаллаб олишга олиб келади.

Ҳар қандай корхонанинг фаолияти юқори сифатли ва кам харажат талаб этадиган янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини берадиган янги технологияларни ўзлаштиришга қаратилмаса, у ҳолда қанчалик муваффақиятли ривожланмасин, маълум вақтдан кейин рақобатбардошлигининг сусайиши, бозордаги мавқеининг кучсизланиши ва оладиган фойдасининг ҳажми камайтириши муқаррардир.

Кичик бизнес ижодий ва аниқ мақсад сари интиладиган кишилар учун ўз таланти ва тажрибасини, инновацион ғояларини тўлиқ рўёбга чиқиши учун инкон берадиган соҳадир. Тарихдан маълумки, айнан кичик бизнес соҳасида

вужудга келган инновацион ғоялар бугунги кунда дунёга машхур йирик “McDonalds” гамбургер, “Apple” компьютер, “Ford” автомобиль компаниялари ва бошқаларнинг яратилишига асос бўлган.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, айнан кичик бизнеснинг янги иш ўринларини яратишда, йирик корхоналар учун айрим зарурий ва бутловчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришда, янги товар ва хизматлар турларини оширишда, товарларни ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришда, рақобатбардош ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишдаги роли йил сайин ортиб бормоқда.

Хусусан, ўтган асрнинг 90-йилларида Хитойда юзага келиши мумкин бўлган ишсизлик даражаси ошишининг олдини олиш мақсадида кичик бизнес корхоналарининг ривожланишига катта эътибор қаратилган. Натижада эса ҳозирги кунда ушбу мамлакатда жами ишчи кучининг 75% кичик корхоналарда меҳнат қилмоқда. Кичик бизнес субъектларининг фаолияти юксак инновацион технологиялар асосида ташкил этилганлиги сабабли ҳам экспортга чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотларнинг асосий қисми айнан уларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ушбу мамлакатда юксак иқтисодий натижаларга эришишнинг асосий сабабларидан бири кичик бизнеснинг ривожланишига доир инновация сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилаётганлигидир. Технологияларни узатиш соҳасида ҳуқуқий таъминлашнинг юқори даражада ташкил этилганлиги, янги технологияларни ўзлаштириш билан шуғулланадиган кичик бизнес субъектларини фойда солиғидан озод этиш ҳамда уларга имтиёзли кредит ва молиявий ёрдам бериш тизими илмий-техникавий потенциалдан самарали фойдаланишни ва инновацион фаолиятдан юқори фойда олинишини таъминлади.

Инновация тадбиркорлиги учун янги ғояни қидириш муҳим аҳамиятга эгадир, шунинг учун бунга батафсил тўхтаб ўтиш лозим. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш аниқ бизнес режага асосланади ва унинг асосида фаоллик ҳамда чуқур ўйланган инновация ташаббуси ётган тадбиркорлик

ғояси ишлаб чиқаришни тўлиқ, шунингдек, унинг бир ёки бир нечта алоҳида қисмларини қамраб олиши мумкин.

Агар хорижий мамлакатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, АҚШда сўнги ўн йиллар мобайнидаги барча инновацияларнинг 55% айнан кичик бизнес соҳасида яратилган¹³.

Ғояларни амалга ошириш, яъни корхонани тўлиқ ёки қисман янгилаш учун мумкин бўлган тадбиркор фаолиятининг асосий йўналишларини ажратиш мумкии:

- ишлаб чиқаришнинг бошқарув тизимини ўрганиш;
- янги техника ёки технологияларни қўллаш;
- маҳсулотни ишлаб чиқаришда янада тежамли ёки мустаҳкам янги материаллардан фойдаланиш;
- маҳсулотларнинг дизайни, қадоқланишини яхшилаш;
- корхона реклама компаниясини ташкил қилишнинг принципиал янги тизимини яратиш.

Ҳозирги кунда кичик бизнес субъектларининг инновацион жараёнларни бошқариш тизими турли вазиятларга мосланувчан бўлиб, комплекс характерга эга. Унинг зиммасига маҳсулотни ишлаб чиқаришга жорий этиш, ташкилий тузилма шакллари ва бошқарувчилик функцияларини қайта тузиш, янгиликларни амалиётга жорий этиш, инновацион жараёнларни бошидан охиригача бошқариш имкониятини таъминлаш каби бир қатор вазифалар юклатилади.

Кенг қўламли ташкилий ва иқтисодий фаолиятни қамраб олувчи инновацион жараён ташкилий жиҳатдан ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бу хусусият инновацион фаолиятни ташкилий жиҳатдан бошқаришга масъул турли бўлим ва хизматлардан иборат корхона иерархияси тузилиши ва улар ўртасидаги ўзаро алоқалар орқали аниқланади.

Кичик бизнес субъектлари фаолиятида инновацион жараёнларининг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат:

¹³ Малое предпринимательство в России: прошлое, настоящее и будущее. Под ред. Б.Г.Ясина, А.Ю.Чепуренко, В.В.Буева. – М.: Фонд «Либеральная миссия», 2003. – Стр. 136.

1. Келиб тушаётган фикрларни тизимлаштириш: ишлаб чиқариш бўлимларидаги маркетинг хизматидан, фирманинг сотиш аппаратидан, савдо агентларидан, ҳозирги истеъмолчилардан келиб тушаётган янгиликлар ва бозорлардаги технологик ўзгаришлар ҳақида ахборотлар йиғиш; таваккалчилик ҳажмини ва даражасини аниқлаш, янги маҳсулотни яратиш ва ўзлаштириш билан боғлиқ фирманинг потенциал имкониятлари ҳақида ахборот йиғиш; мақсадли бозорлар ва улар ривожланишининг узоқ муддатли тенденциялари ҳақида ахборот йиғиш.

2. Инновацион ғояни аниқлаш ва янги маҳсулотнинг ғоясини ишлаб чиқиш:

- ғоянинг амалий жиҳатдан амалга ошириш имкониятларини аниқлаш;
- янги ва анъанавий маҳсулотни технологик умумийлиги даражасини аниқлаштириш;
- фирмани, яъни маҳсулотнинг мос тушиши ва унинг стратегик ривожланиши;
- келажакдаги маҳсулотга патент тизимини аниқлаш.

3. Янги маҳсулот иқтисодий самарадорлигининг мазмуни, маркетинг дастурини ишлаб чиқиш:

- ғоя конкрет лойиҳа кўринишига келгандан сўнг, маҳсулотнинг техник ҳолатини яратиш;
- маҳсулотни техник иқтисодий характеристикасини аниқлаш. Унинг сифатини ва истеъмол хусусиятларини баҳолаш;
- сотув ҳажмини ва потенциал бозор таклифини баҳолаш;
- янги маҳсулотни, технологик машиналар ва жиҳозларни, хом ашё ва материаллар, кадрлар, молиявий ресурсларни ишлаб чиқариш учун керакли ресурслар мавжудлиги;
- янги маҳсулотнинг ўзлаштирилиши ва у билан бозорга чиқиш вақтини аниқлаш;
- янги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг таҳлили ва уни баҳолаш, маҳсулот учун маркетинг дастурини яратиш.

4. Янги маҳсулотнинг яратилиши:

- кичик бизнес субъектининг бўлимларига вазифаларни тақсимлаган ҳолда янги маҳсулот ривожланишининг аниқ дастурини тузиш;
- маҳсулот намунасини яратиш ва техник танловдан ўтказиш;
- маҳсулотнинг номини ва белгисини аниқлаш, қадоқ-лаш ва маркалаштиришни йўлга қўйиш.
- нарх ва бошқа тижорат шартларига оид камида уч (3) ой оралигида бозорда тест ўтказиш;
- маркетинг дастурига янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга киритиш ҳақидаги қарор қабул қилиш.

1.3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда кичик бизнеснинг ривожланиши ва инновацион фаолиятининг аҳволи

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намोён этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантиришда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўлларининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда иқтисодий барқарорлик қарор топмоқда, йилдан-йилга иқтисодий ўсиш таъминланмоқда. Хусусан, 2012 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми 8,2 фоизга

ўсганлиги, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга ўсганлиги бунинг яққол далилидир.

Шу ўринда, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истикболдаги чора-тадбирларини белгилашда 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олинганлигини, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуктаи-назаридан шакллантирилганлигини ва уларни изчил амалга оширилаётганлигини кўрсатиб ўтишни зарур деб ҳисоблаймиз. Бу борадаги чора-тадбирлар Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарида кенг ва батафсил баён қилиб берилган. Асарда жаҳон молиявий – иқтисодий инқирозининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари, келиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, мазкур инқироз оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар чуқур ва атрофлича таҳлил қилиб берилган.

Жаҳон молиявий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири муқаррарлигини инобатга олган ҳолда, Президентимизнинг «тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим — Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади»¹⁴ деган сўзларини яна бир бор эсга олиш муҳимдир. Шунингдек, Ўзбекистоннинг глобаллашув жараёнларидаги иштироки ҳам ушбу инқироз оқибатларининг маълум даражада иқтисодиётимизга ўз таъсирини кўрсатиши мумкинлигидан дарак беради.

Президентимиз ўз асарида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирини бартараф этишга қаратилган комплекс чора-

¹⁴Каримов И.А.. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Ўзбекистон.- Т.2009. -56б.

тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтиб, мазкур чора-тадбирлар орқали ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилаб бердилар.

Белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва уни амалга оширишнинг асосий йўналишлари аниқлаб олинди. Мазкур йўналишлардан бири сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласи қўйилди.

Ўтган даврда айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши учун зарурий шарт-шароитлар яратилди. Натижада Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислохатлар жарёнида кичик бизнес субъектлари миллий иқтисодиётнинг асосий таркибий қисми сифатида ўзини кўрсатмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг миллий иқтисодиётга таъсири даражасини камайтириш ва иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган қатор давлат дастурларининг бажарилишида кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлик муҳим рол ўйнамоқда.

Ўзбекистонда кичик бизнесни таснифлашда ҳуқуқий, назарий-услубий ёндашув айниқса жаҳон молиявий инқирози шароитида мамлакатимиз тегишли Қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида белгилаб берилди ҳамда республикаимизнинг қатор етакчи олимлари ишларида маълум даражада такомиллаштириб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги ПФ-4232-сонли “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ кичик бизнес субъектларини тармоқлар бўйича аниқлаш мезонларига ўзгартиришлар киритилди. Фармонға мувофиқ кичик бизнес субъектлари тоифалари белгилаб берилди (1.3.1-жадвал).

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини тансифлаш мезонлари¹⁵
(банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик максимал сонига кўра)


Фаолият тури коди	Тармоқлар	Ходимлар сони	
		Микро-фирмалар	Кичик корхоналар
10000	САНОАТ	1-24	25-60
11100	Электроэнергетика	1-24	25-60
01220	Нефт қазиб олиш саноати	1-24	25-60
11230	Газ саноати	1-24	25-60
11300	Кўмир саноати	1-24	25-60
14340	Автомобил саноати	1-24	25-120
16100	Қурилиш материаллари саноати	1-24	25-120
17000	Енгил саноат	1-24	25-60
17200	Тўқимачилик саноати	1-24	25-120
18000	Озиқ-овқат саноати	1-24	25-120
20000	ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	1-24	25-60
21110	Дон ишлаб чиқариш	1-24	25-60
21150	Пахтачилик	1-24	25-60
22000	Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш	1-24	25-60
50000	ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА	1-12	11-25
51110	Темир йўл транспорти	1-12	13-30
51200	Сув транспорти	1-12	13-30
52000	Алоқа	1-12	13-30
60000	ҚУРИЛИШ	1-24	25-60
61110	Умумқурилиш ташкилотлари	1-24	25-60
61135	Бошқа ихтисослашган қурилиш ташкилотлари	1-24	25-60
70000	САВДО ВА УМУМий ОВҚАТЛАНИШ	1-6	7-25
71100	Улгуржи савдо	1-6	7-25
71200	Чакана савдо	1-6	7-25
71300	Умумий овқатланиш	1-6	7-25
80000	МОДдий-ТЕХНИК ТАЪМИНОТ ВА СОТИШ	1-24	25-60
80100	Моддий-техник таъминот	1-24	25-60
80200	Сотиш	1-24	25-60
81000	Тайёрлов	1-24	25-60
90000	УЙ ЖОЙ – КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ	1-12	13-30
90100	Уй жой хўжалиги	1-12	13-30
90213	Коммунал ва маиший сув таъминоати	1-12	13-30
91500	Соғлиқни сақлаш	1-12	13-30
91620	Туризм	1-12	13-30
95000	Фан ва илмий хизмат кўрсатиш	1-12	13-30
96100	Банк фаолияти	1-12	13-30

Корхоналарни туркумлаштиришда қўлланиладиган ушбу мезонлар турли тармоқлардаги фаолият соҳаларида ҳам фарқланиши мумкин.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратила

¹⁵Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги ПФ-4232-сонли “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ ишлаб чиқилган.

бошлади. Буни Ўзбекистонда кичик бизнеснинг ривожланиш даврини куйидаги 3 та босқичга ажратиш орқали кўриш мумкин (1.3.1-расм).



1.3.1-расм. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиш босқичлари¹⁶

Биринчи босқич (1991-1995 йиллар). Юқорида айтиб ўтганимиздек, мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантиришга эътибор қаратила бошланди. Ушбу босқич кичик ва

¹⁶Отажонов Ш.И. Совершенствование управления инновационной деятельностью малых предприятий в Узбекистане: проблемы формирования управленческие инноваций. // Ж. «Экономики и финансы». №1, Москва, 2010, стр. 35-39.

хусусий тадбиркорлик субъектларининг шаклланиши ва улар миқдорининг кескин суръатларда ўсиши даври ҳисобланади. Бу даврда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Мулкчилик», «Корхоналар», «Тадбиркорлик», «Монополистик фаолиятни чеклаш», «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш» тўғрисидаги қатор қонун ва фармонлар қабул қилиниб, уларда халқимиз онгида бозор муносабатларини шакллантириш ҳамда хусусий мулкчиликка эга бўлиш ҳис туйғусини уйғотиш асосий вазифа сифатида белгиланди.

Шунингдек, ҳудудларда иқтисодий ислохотларнинг барча йўналишларида самарали институционал ўзгаришлар амалга оширилиб, бу ўзгаришларнинг асоси мулкка, ишлаб чиқариш воситаларига, ерга, кўчмас мулкка, тармоқларни бошқаришда давлат монополиясини бартараф этиш, мол-мулкдан самарали фойдаланишга ҳамда миллий бойликнинг ўсиш суръатларини барқарор таъминлашга эришилди.

Иккинчи босқич (1996-1999 йиллар). Ушбу фаолият юритаётган КБХТ субъектларини ривожланишига эришиш борасида янада кенг имкониятлар яратилиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларга нисбатан белгиланган имтиёзлар таркиби янада кенгайтирилди. КБХТ фаолиятини ҳудудларда янада такомиллаштиришга оид ҳуқуқий қафолатланган база яратилди ҳамда давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган мулкни, объектларни танлов асосида сотиб олиш имконияти юзага келди. Ушбу босқичда тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилувчи ва мувофиқлаштириб турувчи “Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палата”си ташкил этилиши тадбиркорликни ривожланишига бевосита ижобий таъсир кўрсатди.

Учинчи босқич (1999 йилдан ҳозирга қадар). Ушбу босқич Ўзбекистонда кичик бизнес ривожланишининг янги йўналишини очиб берди. ва республика ҳукумати томонидан бошқа кўплаб меъёрий ҳужжатларининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Кичик **бизнес** субъектлари фаолиятини ривожлантириш, молиявий қўллаб-қувватлаш иқтисодиётни

ривожлантиришнинг устувор вазифаси сифатида белгиланди, уларнинг фаолиятини айнан солиқлар орқали рағбатлантириш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди, мажбурий ажратмалар ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилди, ҳисоботлар топшириш тартиби соддалаштирилди, янги корхоналарни расмийлаштириш муддати қисқартирилди. Энг асосийси, Иқтисодий эркинлаштириш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майда «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2011 йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» йили деб эълон қилиниб, Давлат дастури ҳамда жаҳонда молиявий - иқтисодий инқирози давом этаётган пайтда, ўз вақтида шаклланган шарт - шароитни тўғри таҳлил этган ҳолда, мамлакатимизда 2009-2012 йилларга мўлжаллаб «Инқирозга қарши чоралар» дастурининг қабул қилиниши ҳукуматимиз томонидан амалга оширилган асосий стратегик тадбирлар бўлди.

Бугунги кунга келиб бундай чора-тадбирларнинг барчаси ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. Шундай қилиб, 2000 йилдан бошлаб мамлакатимизда кичик бизнес ривожланишининг ўзига хос янги даври бошланди.

Ҳозирги кунга қадар, иқтисодийнинг ушбу секторини ривожланишини белгилаб берувчи мазкур босқичлар мамлакатимизда бозор муносабатларининг аста-секинлик билан босқичма-босқич асосда шаклланиб боришининг таъсири билан характерланади.

Бизнинг фикримизча, кичик ва хусусий корхоналарнинг афзаллик томонларидан бири шуки, улар ишланмаларни тадқиқотнинг биринчи босқичида олиб боради. Бунда кўп моддий, ақлий ва молиявий ҳаракатлар талаб этилмайди. Натижада, уларда инновация жараёни билан боғлиқ харажатлар йирик корхоналарникига нисбатан кам бўлади.

Президентимиз И.Каримов томонидан республикамызда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг зарурий асослари қуйидаги омиллар орқали ёритиб берилган:

- республика бозорини зарур истеъмол товарлари ва хизматлар билан бойитади;
- аҳолининг (айниқса, ортиқча меҳнат заҳиралари мавжуд бўлган қишлоқ жойларда) иш билан бандчилигини таъминлайди;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фақат ички бозорни истеъмол товарлари билан таъминлаш билан бирга ташқи бозорларга ҳам рақобатбардош маҳсулотлар чиқаришга қодир;
- кичик бизнесда бозор конъюктурасининг ўзгаришига тезда мослаша олиш имконияти ҳам мавжуд;
- унинг фан ва техниканинг янги ютуқларини тез ўзлаштириш қобилияти ҳам бор¹⁷.

Кичик бизнес фаолияти хўжалик юретишнинг шахсий манфаатдорлик ва ташаббускорлик тамойилларига, ишлаб чиқарган маҳсулоти, мол-мулки молиявий ва моддий ресурсларни мустақил тасарруф этишга асосланади.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида рақобатбардош товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда, аҳоли бандчилигини таъминлашда ва янги иш жойларининг яратилишида кичик бизнес субъектларининг ўрни йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши 2000 йилда 31 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 54,6 фоизга етган. Бу кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 0,6 фоизга кўп, демакдир.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг ЯИМ ишлаб чиқаришдаги улуши 33,9 фоизни ташкил этган.

2012 йилда кичик бизнес субъектларида банд бўлганларнинг сони иқтисодийда банд бўлганларининг 75,5 фоизига тўғри келди ва 9253 минг

¹⁷Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1999. – 574-б.

кишига етди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик орқали барпо этилган янги иш жойлари 2000 йилга нисбатан қарийб 1,9 баробарга кўпайган.

2000-2012 йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши бўйича асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари динамик ўзгаришининг аҳволи 1.3.2-жадвалда берилган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида кичик бизнес ишлаб чиқаришининг асосий тузилмаси сифатида фермер хўжаликлари самарали фаолият кўрсатмоқда,

уларнинг ривожланиши учун кенг кўламли имкониятлар яратилмоқда. Айниқса, кейинги йилларда касаначилик, чорвачилик, балиқчилик ва бошқаларни ривожлантириш масалаларига ҳукумат томонидан алоҳида қаратилмоқда, уларга доир қатор қарорлар қабул қилинган.

Хусусий мулкни мустаҳкамлаш, кичик корхоналар, микрофирмалар ва фермер хўжаликлари ташкил этишни рағбатлантириш ҳисобга мамлакатимизда демократик жамиятнинг асоси ва таянчи сифатида ўрта синф реал шаклланмоқда.

Албатта, юқорида қайд этилган кўрсаткичлар ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида нисбатан юқоридир. Масалан, ҳозир Европа ҳамкорлиги мамлакатларида кичик корхоналарнинг сони 15,8 миллионта бўлиб, уларда барча иш билан банд бўлганларнинг 72 фоизи ёки 68 миллион киши хизмат қилади. Бу корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар қиймати ЯИМ нинг 65 фоизини ташкил этади.

АҚШ иқтисодиётида барча иш билан банд бўлган аҳолининг 54 фоизи, яъни 70,2 миллион киши фаолият кўрсатадиган кичик ва ўрта бизнес субъектларини сони 19,3 миллионга етади. Мамлакат ЯИМ нинг ярмидан кўпроғи кичик ва ўрта корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Японияда эса 6,5 миллион бундай корхоналарда меҳнат қилаётган аҳолининг 78 фоизини ёки 39,5 миллион кишини иш билан таъминлашга эришилган. Ушбу секторнинг ЯИМ даги улуши 50 фоиздан ортиқдир.

**Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорликни ривожланишининг асосий макроиқтисодий
кўрсаткичлари¹⁸**

Кўрсаткичлар	2000	2001	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
ЯИМдаги улуши (%)	31,0	33,8	38,2	42,1	46,2	48,2	50,1	552,5	54,0	54,6
Шу жумладан. кичик корхоналар (%)	13,1	14,8	21,5	23,5	27,2	29,1	33,6	34,2	33,7	33,9
Кичик бизнесда банд бўлганлар сони (минг киши)	4316	4688	6602	7259	7763	8229	8402	8912	8951	9253
Умумий бандликдаги улуши (%)	49,7	53,0	65,5	69,3	72,3	73,6	74,2	74,8	75,1	75,5
Янги иш жойлари (минг киши)	297	372	351	339	410	374	472	480	493	501
Хар 1000 кишига тўғри келган субъектлар сони	6,0	7,1	10,3	13,2	14,2	15,6	16,8	17,1	18,3	19,2
Кичик бизнес соҳасининг тармоқлар бўйича улуши										
Саноат (%)	11,3	14,1	9,4	10,0	12,9	15,2	16,9	17,8	21,0	22,2
Қишлоқ хўжалиги (%)	72,4	75,6	85,7	94,2	97,5	99,2	99,9	99,9	97,9	98,0
Чакана савдо айланмаси (%)	45,9	45,8	43,7	45,3	47,2	49,4	46,5	48,2	47,2	45,3
Пуллик хизматлар (%)	37,9	39,9	52,5	50,9	50,5	51,5	48,7	50,9	46,5	44,7

Кичик корхоналарда йирик корхоналарга қараганда, айниқса иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларида инновацион жараёнлар, тадбиркорлик руҳи кўпроқ кўринади. Шунинг учун ҳам кичик бизнес

¹⁸Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси материаллари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаган

замонавий тармоқлар ҳисобланган электроника, компьютерлаш ва бошқа соҳаларда кўпроқ ўрин эгаллаган.

Кичик корхоналар кишилардаги ташаббускорлик, тадбиркорлик ва мулкка эгалик қобилиятларини рўёбга чиқариш воситаларидан бири ҳисобланади. Ўрта мулкдорлар табақасини шакллантириш, аҳоли иқтисодий аҳволи ёмонлашувинининг олдини олиш ҳам иқтисодиёт мазкур секторининг қанчалик даражада ривожланганлигига боғлиқ.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларида товар ва хизматлар ишлаб чиқаришда кичик бизнес субъектларининг ўрни ортиб бормоқда ва иқтисодий самарадорликни оширишнинг асосий воситаларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” сифатида қабул қилиниши ва Президентимиз И.А.Каримовнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик –жамиятимизнинг бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши шарт” деб таъкидлаши ҳам кичик бизнеснинг янада кенг ривожланиши учун замин яратди.

Бугунги кунда, кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини ривожлантиришни қонунчилик асоси барпо этилди, қулай солиқ режими шакллантирилди, тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш кучайди, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари таъминланмоқда. Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантириш учун иқтисодий ва ҳуқуқий иқлим яратилди. Уларни қўллаб-қувватлаш учун суғурта, инжиниринг ва лизинг ташкилотлари хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар сифатида инновацион технологиялар асосида фаолият юритган ҳолда маҳсулотларини экспорт қилувчи кичик корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдиришга кўмаклашувчи имтиёзли кредитлар ажратиш, вақтинчалик солиқ имтиёзлари бериш ва мавжуд кредиторлик қарзларни реструктуризация қилиш йўлга қўйилган.

I боб бўйича хулоса

1. Таҳлилларнинг кўрсатишича, кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётни барқарор ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ортиб бормоқда. Айниқса, кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ортиб бориши, унинг иқтисодиёт тараққиётида ҳал қилувчи омиллардан бирига айланаётганлигининг исботламоқда. Шунинг учун ҳам давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича самарали чора-тадбирлар кўрилмоқда.

2. Ривожланган мамлакатлар тажрибасининг тасдиқлашича, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ўзига хос афзалликлари мавжуд: бозор конъюктурасининг ўзгаришига ва аҳолининг талаб истагига, урф-одатларига тез мослашувчанлиги; аҳолининг бандлигини таъминлаш ва йирик корхоналарга нисбатан қисқа муддатларда янги иш жойларини шакллантиришнинг мумкинлиги; мамлакатда ўрта мулкдорлар синфининг кенгайишига имконият даражасининг юқорилиги; қисқа муддатда фойда кўриш имкониятига эга бўла олишлиги ва ишлаб-чиқариш циклининг қисқа вақтлилиги; фан ва техника янгиликларини тезда жорий қилиш мумкинлиги.

3. Бугунги кун талаби кичик бизнес корхоналарининг ривожланишини инновация асосида ташкил этмасдан туриб рақобатбардош ва замонавий товар ва хизматларни ишлаб чиқариш мумкин эмаслиги кўрсатмоқда. Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти амалиётга янги, такомиллашган ишлаб чиқаришни жорий этиш, иккинчидан, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг барча турларини қисқартириш, учинчидан, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар нархларини пасайтиришда уларни истеъмол ва сифат хусусиятларини доимий равишда ошириб бориш билан изоҳланади.

Шунинг учун, кичик бизнес корхоналарининг инновацион фаоллигини таҳлил қилиш, уни оширишнинг асосий самарали йўллари ва манбаларини тадқиқ қилиш диссертация ишининг асосий мақсади ҳисобланади.

II. 2019-2020 йилларда Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналарининг инновацион фаолиятини рағбатлантириш механизми

2.1. Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналарининг инновацион фаолиятини рағбатлантириш механизми

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири кичик бизнес ва хусуий тадбиркорликни ривожлантиришдир. Бундан кўзланган пировард мақсад - мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш, миллий даромадни ошириш, аҳолининг бандлик даражасини кўтариш, инфляцияни жиловлаш, аҳолининг моддий фаровонлиги оширишдан иборатдир.

Давлатнинг инновацияга оид сиёсатини амалга ошириш мазкур фаолият субъектларининг хатти-ҳаракатлари тўғрисида маълумот олиш ва буни сиёсий мақсадлар билан солиштириш йўли билан белгиланади. Давлат сиёсатининг мақсадларини белгилаш ушбу сиёсатни амалга ошириш тамойиллари ва механизмига асосланади.

Маълумки, республикаимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади эркин рақобат асосида ривожланадиган иқтисодиётни шакллантиришдан иборатдир. Бунинг учун Ўзбекистонда, айниқса кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун барча зарур инфратузилма ва имкониятлар яратилган.

Бугунги кунда тадбиркорлик соҳаси иқтисодиётнинг бозор тузилмасини ва рақобат муҳитини шакллантиришга, барча қатламларда солиққа тортиш базасини кенгайтиришга, янги ишчи ўринларини яратишга ҳамда ички бозорни турли товар ва хизматлар билан тўлдиришга имкон беради. Тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсат хусусий бизнесни ривожланишига, ушбу соҳада ҳақиқий мулкдорлар синфини шаклланишига замин яратди.

Кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватловчи ва рағбатлантирувчи технопарклар, тижорат банклари, ахборот-консалтинг марказлари, аудиторлик фирмалари, ўқитиш марказлари, баҳолаш компаниялари, товар-хом ашё биржасининг савдо майдончалари, микрокредит ташкилотлари, кредит уюшмалари, бизнес-инкубаторлар, брокерлик идоралари, лизинг компаниялари, бизнес-инкубаторлар ва бошқа ташкилотларни ўз ичига олган инновация инфратузилмаси ташкил этилган.

Кичик бизнес инновация инфратузилмасининг асосий функцияси тадбиркорлик субъектларига у ёки бу турдаги (керакли маълумот билан таъминлаш, молиявий қўллаб-қувватлаш, бино ҳамда асбоб-ускуналар билан таъминлаш, консултация бериш, кадрлар тайёрлаш ва ҳ.к.) хизматларни кўрсатишдан иборатдир.

Бугунги кунда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантиришда инновацион инфратузилма ўрни ортиб бормоқда.

Бизнинг фикримизча, кичик бизнесга хизмат кўрсатувчи инфратузилмани тузишдан асосий мақсад унинг объектлари самарали фаолият кўрсатишигина эмас, балки уларнинг фаолиятларини жамият манфаатлари, хусусан, тизимли ўзгартириш ҳамда маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини кенгайтириш, уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш учун йўналтиришдан иборатдир.

Республика ҳудудларида тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи Бизнес марказлар фаолиятини ташкил қилиш Дастури тадбиркорлик муҳитини муваффақиятли шакллантиришда тадбиркорлик соҳасидаги миллий ахборот-маслаҳат таъминотининг таҳлили ва консалтинг хизматидаги жаҳон тажрибаси ютуқлари асосида тайёрланган ҳамда ҳудудларда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожланишини рағбатлантиришга йўналтирилгандир.

Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоизидан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоизидан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш ҳисобидан яратилди.

2012 йилда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига биноан 967 мингдан ортиқ иш ўрнини яратилди. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳисобидан 501 мингдан зиёд кишини ишга жойлаштирилди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсат кичик тадбиркорликни ривожланишига, ушбу соҳада ҳақиқий мулкдорлар синфини шаклланишига замин яратди. Жамиятда барқарорликни мустаҳкамлашда ҳамда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларда эришилган ютуқлар ушбу жараёнларнинг ривожланишига бевосита боғлиқдир.

Кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш жараёнлари асосан қуйидаги 3 та йўналишни ўз ичига олади:

1. Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти учун етарлича ишбилармонлик шарт-шароитларини ва муҳитини яратиш.
2. Тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини бевосита рағбатлантириш.
3. Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ўз вақтида тўғри молиялаштириш.

Ҳозирги кунда, мамлакатимизда бизнесни бошлашга имкон яратувчи, рўйхатга олиш ва ундан кейинги жараёнлар соддалаштирилди, янада енгиллаштирилди. Рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартиби жорий этилди.

Тадбиркорликни кредитлашнинг кўплаб илғор шакллари жорий этишга шароит яратилди. Биржа савдоларини ривожланиши билан тадбиркорликни моддий-техник ресурсларини эркин сотиб олишга қулай

шароит яратилди ва бу соҳага боғлиқ бўлган кўпгина муаммолар ўз ечимини топди.

Ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулотларини мажбурий стандартлаштириш ва сертификатлаш тизими соддалаштирилди, эркинлаштирилди ва бу ислохотлар давом этмоқда. Рухсат бериш билан боғлиқ бўлган кўпгина функциялар такомиллаштирилди ва соддалаштирилди. Чакана ва улгуржи савдо тизими эркинлаштирилди.

Молия, солиқ ва статистика ҳисоботларининг барча шакллари ва муддатлари кескин қисқартирилмоқда. Солиққа тортиш ставкалари унификация қилинди ва камайтирилди.

Назорат қилувчи органларнинг назорат ва кузатув функцияларига ёндашув тубдан ўзгарди. Тадбиркорлик субъектлари томонидан йўл қўйилган қонун бузилишларни баҳолаш меъзонлари қайта кўриб чиқилиб, тадбиркорларга нисбатан қўлланиладиган кўплаб жарималар миқдори сезиларли даражада камайтирилди, айрим жарима турлари эса бутунлай бекор қилинди

Республика ҳудудларида ахборот-маслаҳат таъминоти тизимида Савдо-саноат палатаси, ахборот-маслаҳат марказлари, бизнес-инкубаторлар, бизнес-мактаблар, идоравий консалтинг ташкилотлари, хусусий консалтинг фирмалари ва ўқув марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Республикамизда 32 та бизнес-инкубатор фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг асосий вазифаси тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошланғич босқичида ривожлантириш учун қулай муҳит бизнес-инкубация жараёнини ташкил қилиш, ахборот-маслаҳат хизматини кўрсатиш, инвестиция ва инновация лойиҳаларини амалга оширишга ёрдам бериш, кичик бизнес учун кадрларни қайта тайёрлаш, касб-хунарга ўргатишга қаратилган қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этишдан иборат.

Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти амалиётга янги, замонавий ва такомиллашган рақобатбардош ишлаб чиқаришни жорий этиш, ишлаб чиқариш ҳаражатларининг барча турларини қисқартириш ва

маҳсулотлар нархларини камайтиришни ва шу билан биргаликда уларнинг истеъмол даражасини ва сифатини узлуксиз равишда ошириб боришни тақоза этади.

Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини рағбатлантиришдан асосий мақсад бутун ишлаб чиқариш тизимини янгилаш хисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, илмий-техник, интеллектуал ва иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш асосида соҳа рақобатбардошлигини оширишдан иборатдир.

Бугунги кунда сир эмаски, кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини ривожлантириш биринчи навбатда илғор илм-фан ютуқларига асосланади. Умуман олганда, мамлакатимизда инновацион фаолиятни ривожлантириш учун илмий, иқтисодий ва меъёрий-ҳуқуқий асослар мавжуд ва кадрлар салоҳияти ҳам маълум даражада юқорилигини таъкидлаш мумкин.

Бироқ, мавжуд салоҳиятдан фойдаланиш кўрсаткичини талаб даражасида деб бўлмайди. Маълумотларга кўра фаолият кўрсатаётган 230 яқин илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик муассаларидан атиги 10 фоизга яқини инновация фаолияти билан шуғулланаяпти. Интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш даражаси ҳам юқори эмас, айниқса жуда кам сондаги кичик бизнес субъектлари патентларни қўлга киритмоқда.

Маълумки, ҳар қандай инновацион фаолиятнинг асосий негизини илмий ғоялар ва илмий тадқиқотлар ёки уларнинг натижалари сифатида янги, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқариш технологияларини янгилашга, такомиллаштиришга жорий этиш жараёнлари ташкил этади. Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти ҳам амалда шу жараёнлар билан бевосита уйғунлашиб кетади.

Илмий фаолият давлат сиёсатининг энг фаол соҳаси бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Гап шундаки, илмий ғоя бевосита хўжалик фаолиятида қўлланилиши мумкин эмас. Шунинг учун ташкилотлар тадқиқотларни молиялаштириш масаласига секинлик билан ёндошади, унга катта эҳтиёж сезса ҳам. Хозирги шароитда давлат бизнесни таъминланиш

функциясини, аниқроғи илмий билимлар ва ғоялар билан таъминлашни кўпгина ҳолларда ўз зиммасига олмоқда. Айнан шунинг учун илғор мамлакатлар расмий ҳужжатларида илмий-техника тараққиёти ягона занжир тарзида “илмий ғоя- таълим - ишлаб чиқариш” тамойили асосида инновация бизнесини кенг қўлламда қўллаш ёки фойдаланиш сифатида қаралади.

Бозор иқтисодиёти шаклланаётган бизнинг мамлакатимизда ҳам илмий, фан-техника соҳасини тартибга солишни давлат томонидан амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади, чунки илмий техника тараққиёт иқтисодий ўсишнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Илмий ва инновация соҳасида фаол иш олиб бориб давлат бу соҳасида ўзининг мақсади, принципи ва сиёсатини, шахсий устиворлигини шакллантиради. Илмий ва инновация сиёсати ривожланган мамлакатларда одатда мамлакат иқтисодининг ўсишда фан ва техниканинг улушини ошириш; моддий ишлаб чиқариш соҳасида прогрессив ўзгаришларни таъминлаш; жаҳон бозорида миллий маҳсулот рақобат қобилиятини ошириш; мамлакат мудофаси ва хавфсизликни мустаҳкамлаш; экологик вазиятни яхшилаш; таркиб топган илмий мактабни ривожлантириш ва сақлаб қолиш борасида фаол иш олиб боради.

Давлатнинг илмий ва инновацион фаолият соҳасидаги сиёсатида уларни рағбатлантириш масаласи ҳам муҳим ўрин тутди.

Ҳукумат томонидан илмий ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш механизми 2 та таркибий қисмдан иборатдир:

- а) билвосита рағбатлантириш;
- б) бевосита рағбатлантириш.

Давлатнинг илмий ва инновацион фаолиятни билвосита қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизми қуйидагиларни ўз ичига олади:

- илмий-тадқиқот натижаларни амалиётга жорий этиш натижасида олган фойдадан имтиёзли солиқ олиш;
- илмий тадқиқотлар ихтиёрида бўлган ёрдамчи ва бошқа мулкдан солиқ олишни бекор қилиш;

- илмий иш олиб бориш учун хорижий мамлакатлардан олиб келинадиган буюмлар учун тўловлардан озод қилиш.

Илмий ва инновацион фаолиятни бевосита рағбатлантиришда давлат томонидан бериладиган қуйидаги имтиёзлар назарда тутилади:

- индивидуал ихтирочилар ва кичик жорий этиш корхоналари учун фоизсиз кредитлар бериш;

- имтиёзли солиқлар имконияти бўлган венчур инновация фойдани яратиш;

- индивидуал ихтирочилар учун давлат патент тўловини камайтириш;

- ресурсларни иқтисод қилувчи ихтирочилар учун тўлов муддатини кечиктириш;

- ускуналарни амортизациясини тезлаштириш ҳуқуқини бериш;

- технопарк ва технополис тармоқларини яратиш.

Инновация жараёнларининг юқорида кўрсатиб ўтилган босқичлари ва тавсифлари, шунингдек, замонавий жамиятда давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ўрни инновацияларни тартибга солиш бўйича давлат органлари функцияларини белгилаб беради.

Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш ва уни давлат томонидан тартибга солиш механизми қуйидагилар орқали тавсифланиши лозим:

- 1) Илмий тадқиқотлар ва инновацияларга маблағларни тўплаш.
- 2) Инновация фаолиятини мувофиқлаштириш.
- 3) Инновацияларни рағбатлантириш.
- 4) Инновация жараёнларининг ҳуқуқий асосларини яратиш.
- 5) Инновацияларни кадрлар билан таъминлаш.
- 6) Илмий-инновация инфраструктурасини шакллантириш.
- 7) Инновация жараёнларини институционал таъминлаш.
- 8) Инновацияларнинг ижтимоий ва экологик йўналтирилганлигини тартибга солиш.
- 9) Инновация фаолиятининг ижтимоий мақомини ошириш.

10) Инновация жараёнларини минтақавий тартибга солиш.

11) Инновация жараёнларининг халқаро жиҳатларини тартибга солиш.


Кейинги йилларда Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришни, айниқса унинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш энг долзаб ва устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Давлат томонидан кичик бизнес фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида унинг мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишидаги ўрни ортиб бормоқда.

Кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш деганда, биринчи навбатда ҳукумат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг қабул қилиш, давлат органлари томонидан уларнинг бевосита ижросини таъминлаш, турли иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни яратиш, моддий ва молиявий ресурслар орқали қўллаб-қувватлаш тушунилади.

Умуман, инновация жараёнларини давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлиги фақат уларнинг умуммиллий аҳамияти билан эмас, балки иқтисодий мазмуни билан ҳам белгиланади. Ҳозирги вақтда инновация янги турдаги рақобатбардош ва талабгир маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали бозор эҳтиёжларини яхшироқ қондириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, кичик бизнес субъектлари харажатларини рақобатчиларига нисбатан пасайтириш ва фойдасини кўпайтиришнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини, унинг инновацион фаолиятини қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш тизими шаклланган бўлиб, унинг тавсифини таҳлилларимиз асосида 2.1.1-расмда келтирамыз.

Бизнинг фикримизча, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш ривожланишини қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш асосан қуйидаги 5 та йўналишда амалга оширилиши



2.1.1-расм. Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини рағбатлантириш механизми

мумкин: ижтимоий, иқтисодий, молиявий, илмий-технологик ва ҳуқуқий-сиёсий соҳалар бўйича.

Кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш нафақат давлат органлари томонидан, балки турли нодавлат ташкилотлар, тижорат банклари, миллий ва хорижий компаниялар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, кичик бизнес инновацион фаолиятини ривожланиши, муаммолари, омиллари, механизмлари, усуллари ва унсурларини ўрганиш, тадқиқ қилиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, бироқ ҳали бу фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича мукамал ва самарали механизм ишлаб чиқилгани йўқ. Бугунги кун талаби инновацион фаолиятни ривожлантириш масаласига бағишланган мустаҳкам қонунчилик асосини ишлаб чиқишни тақоза этади.

Давлат ўз ислохотлари воситасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш орқали рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришга, бозор муносабатларини янада ривожлантиришга қўмаклашиши лозим.

Жаҳон тажрибаси ва ўзимиз эришган тажрибамиз шуни кўрсатадики, кичик бизнес ўзига хос бўлган бир қатор хусусиятлар таъсирида давлат ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг доимий эътиборида бўлиши ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтожлигини кўрсатмоқда¹⁹.

Бизнинг фикримизча, бугунги кунда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш, унинг инновацион фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши лозим:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий негизини янада такомиллаштириш;

¹⁹Ходиев Б.Ю., Самадов Ғ.А., Никола Мелони, Қабулов А.А., Юсупов М.С., Мелибоев Ш.А., Ишмуродов С.Т. “Кичик бизнес фаолияти асослари” (Ўқув-амалий қўлланма) – Т.: ЕҲ ТЕМПУС дастури “Матадор-2000” лойиҳаси, 2004 й, 49-б.

- тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари ва шарт-шароитларини таъминлаш, уларнинг ишбилармонлик ва инновацион фаоллигини ошириш ҳамда қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш;

- кичик бизнес субъектлари фаолиятини назорат органлари томонидан текширишларни тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, асоссиз текширишларга чек қўйиш;

- кичик корхоналарнинг инновация фаолиятини зарурий ҳолларда давлат томонидан молиялаштириш, шунингдек халқаро ташкилотларнинг маблағларини жалб этишда қўмаклашиш;

- иқтисодиёт реал секторидаги кичик бизнес инновация фаолиятини рағбатлантирувчи солиқ ва божхона имтиёзларини ошириш ва бошқа преференцияларнинг самарали тизимини шакллантириш ва жорий қилиш;

- молия-кредит тизимини такомиллаштириш ҳамда инновацион фаолият кўрсатадиган кичик бизнес субъектларининг кредит манбалари ва сармояларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш;

- кичик бизнес корхоналарининг иқтисодий ресурслардан, ахборот ва инновация технологиялардан эркин ва тўсиқларсиз фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, улар томонидан яратилаётган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотиш тизимини такомиллаштириш;

- инновация лойиҳалари ва дастурларини амалга оширилишига маблағларини сарфлаётган маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг инновация фаолиятини амалга ошириш ва рағбатлантириш учун имтиёзли шароитларни яратиш;

- кичик бизнес инновацион фаолияти кўрсаткичларининг бухгалтерлик ҳисоби ва таҳлили тизимини янада такомиллаштириш, улар учун давлат статистика, бухгалтерия ва солиқ ҳисоботининг соддалаштирилган тартибини жорий этиш;

- инновацион фаолият билан шуғулланадиган кичик бизнес учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;

- кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини кафолатлаш мақсадида суғурта тизимининг аҳамиятини ошириш.

2012 йилда тадбиркорлик субъектларининг эркинлигига оид навбатдаги зурурий ҳужжат – «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири тасдиқланди.

Мазкур қонуннинг янги таҳририда баъзи масалалар аввалги таҳрирга нисбатан кенгроқ ёритилди ва айрим янги нормалар киритилди.

Жумладан, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, банклар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилиб, унга мувофиқ қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига талқин этилиши белгилаб қўйилди.

Қонуннинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни чеклаш бўйича қисмида назорат қилувчи орган режали текширув ўтказишнинг бошланиши ҳақида текширувни ўтказиш бошланишидан камида ўттиз календарь кун олдин тадбиркорлик субъектини текширувдан ўтказиш муддатлари ва предметини кўрсатган ҳолда, ёзма шаклда хабардор қилиши шартлиги белгилаб қўйилди.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инновацион ривожлантиришга ва фаолиятини эркинлаштиришга қаратилган қатор меъёрий ҳужжатларни қабул қилиниши ҳамда корхоналарни таркибий жиҳатдан ўзгартириш, ихчамлаштириш ва молиявий соғломлаштиришнинг

хукукий асосларини яратилиши натижасида кичик бизнес субъектлари инновацион фаолиятининг самарадорлиги ошиб бормокда.

2.2. Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини молиялаштириш йўллари

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратиш, уларга яқиндан молиявий кўмаклашиш борасида оқилона сиёсат олиб борилмокда. Натижада бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшувчи муҳим тармоқларидан бирига айланди.

Ҳозирги даврда кичик корхоналарнинг инновацион фаолиятини ташкил этиш учун биринчи навбатда инновацион лойиҳаларни молиялаштириш масаласини ҳал этиш лозимдир. Корхоналарнинг инновацион фаолиятини тўғри молиялаштириш уларнинг самарали ривожланиши учун муҳим омил ҳисобланади.

Ҳар қандай корхонанинг инновацион фаолиятининг натижаси муваффақиятли ва самарали бўлиши кўп жиҳатдан уни молиялаштириш манбаларини ва усулларини аниқлашга боғлиқдир.

Турли корхоналар, молия-саноат гуруҳлари, кичик инновацион бизнес, инвестиция ва инновация жамғармалари, маҳаллий бошқарув органлари, хусусий шахслар ва бошқалар инновацион фаолиятни молиялаштириш манбалари ҳисобланади. Уларнинг барчаси хўжалик юритиш жараёнларида маълум даражада иштирок этиб, инновацион фаолиятни ривожланишига таъсир кўрсатади.

Инновацион фаолиятни молиялаштириш давлат органлари билан бирга хусусий манбалар орқали ҳам амалга оширилади. Жумладан, кўплаб Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШда илмий тадқиқот ва тажриба – конструкторлик ишларига ажратиладиган молиявий ресурслар давлат капитали ва хусусий капитал ўртасида деярли тенг миқдорда тақсимланади.

Инновацион фаолиятни молиялаштиришни ташкиллаштириш тамойиллари аввало уларни молиялаштириш манбаларнинг кўплигига ва турли туманлигига, тижоратлаштиришга жорий этишга йўналтириладиган ва молиявий фойдаси ўсишини таъминлай оладиган инновацияларни молиялаштиришга асосланади.

Кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини молиялаштириш манбалари мулкчилик шаклларига қараб икки гуруҳга ажралади:

- давлат молиявий ресурслари;
- нодавлат молиявий ресурслари.

Давлат молиявий ресурсларга давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари жамғармалар, давлат заёмлари, давлатга тегишли акция пакетлари ва давлат мулклари киради.

Нодавлат молиявий ресурслари эса турли хўжалик субъектлари, жамоат ташкилотлари ва хусусий шахсларнинг молиявий маблағларидан ташкил топади. Буларга турли инвестор жамоалар, шунингдек суғурта компаниялари, инвестиция жамғармалари ва компаниялари, корхоналарнинг, хусусий шахсларнинг маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ва ҳақозалар киради.

Кўпчилик ҳолларда замонавий технологияларга асосланадиган, юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган самарали инновацион лойиҳаларни молиялаштириш кўзда тутилади. Шунингдек, хорижий компаниялар ва фирмаларнинг инвестиция маблағлари, грантлари ҳамда ҳомийлари орқали инновацион лойиҳаларни молиялаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини рағбатлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида уни молиявий рағбатлантириш механизми ва унинг таркибини шакллантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам тадқиқот жараёнида кичик бизнес инновацион фаолиятини молиявий рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини молиялаштириш тизими кўплаб манбалар ва уларнинг маблағлари орқали ташкил топади.

Бизнинг фикримизча, кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини молиялаштириш механизми асосан қуйидаги 5 та таркибий қисмлардан ташкил топади (2.2.1-расм):

- 1) Бюджет маблағларини жалб этиш.
- 2) Солиқ имтиёзларини яратиш.
- 3) Кредит маблағлари ажратиш.
- 4) Суғурта кафолатлари бериш.
- 5) Ўзи ва бошқаларнинг маблағларидан фойдаланиш.

Бюджет маблағларини жалб этиш.

Давлат ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим йўналишлари доирасида, давлат инновация сиёсатининг устуворликларига мос равишда, давлат инновация дастурлари, лойиҳалари ва илмий-техника ишларининг иштирокчилари сифатида кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан манфаатдор бўлган нодавлат ташкилотлар ва корхоналарнинг улушли молиявий ҳиссаси билан бир қаторда молиялаштиришда иштирок этади.

Давлат бюджетидан инновация дастурлари, лойиҳалар ва илмий-техник ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган жиҳозлар ва техник воситаларни сотиб олишга ажратиладиган маблағлар инновация фаолияти субъектларига беғараз асосда, грантлар шаклида тақдим этилади.

Инновация дастурларининг қандай кўламда (республика ёки минтақавий дастурлар) эканлигига, кичик бизнес корхоналарининг уларнинг қайси бирида иштирок этишларига қараб мос равишда республика ва маҳаллий бюджетдан молиявий маблағлар ажратилади.

Инновация фаолияти соҳасидаги давлат грантлари белгиланган тартибда инновация дастурлари бўйича танловларнинг ғолиблари бўлган




2.2.1-расм. Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини молиялаштириш механизми

давлат инновация лойиҳалари ва илмий-техника ишларини амалга оширилишини таъминлаш учун берилади.

Солиқ имтиёзларини яратиш.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу кадар жадал ривожланишида, аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётганлиги ҳисобланади (2.2.2-расм).

Маълумотлардан кўринадики, 1996-2011 йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун белгиланган солиқ ставкалари 38 дан 6 фоизгача, яъни 6,3 марта қисқарган.



2.2.2-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари²⁰

Мамлакатимизда янги ташкил этилаётган кичик бизнес корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун бериладиган имтиёзли кредитлар базаси икки баробарга оширилди, берилган кредитларнинг амал қилиш муддатлари ҳам узайтирилди, айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитларнинг муддати бир йилдан бир ярим йилга оширилди.

Молиявий, маиший ва бошқа хизмат кўрсатиш бўйича фаолият кўрсатадиган кичик бизнес корхоналари ягона солиқ тўловида 3 йил муддатга озод этилади. Кичик корхоналар дивидентларининг

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

инвестицияларга, кредитларни қоплашга йўналтирилган қисмини 5 муддатга солиқдан озод этиш кўзда тутилган.

Маълумки, 2011 йилги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш, солиқ юкини камайтириш ва уларга молиявий жихатдан қўмаклашиш мақсадида катта ишлар амалга оширилди. Биргина солиқ тизимида микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилди. Бунинг натижасида тежаб қолинган қарийб 80 млрд. 300 млн. сўмлик маблағлар ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имконини бергани аҳамиятлидир.

2012 йилда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан олинadиган солиқ юки сезиларли даражада камайтирилиб, саноат соҳасидаги микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга пасайтирилди.

Мамлакатимиз Президентининг 2012 йил 26 мартдаги «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини оширишда яна бир муҳим қадам бўлди.

Мазкур қарор билан маҳаллий товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчи корхоналарга халқаро молия институтлари, донор мамлакатлар, хорижий давлатлар ҳукуматлари, бошқа норезидентлар маблағлари ҳисобидан республикаимиз ҳудудида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича халқаро тендерларда чет эл валютасида шартномалар тузган ҳолда иштирок этиш ҳамда бу орқали ўзида ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат)ларни етказиб бериш учун тўғридан-тўғри битимлар шартида хорижий валютада шартномалар тузиш ҳуқуқи берилди.

Эътиборлиси, ушбу шартномалар экспорт шартномаларига тенглаштирилиб, товар (иш, хизмат)ларни етказиб берувчи корхоналарга

экспорт қилувчи корхоналарга берилган солиқ имтиёзлари татбиқ этилиши белгиланди.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар (табiiй газни транзит ва экспорт қиладиган корхоналар бундан мустасно) ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат)ларни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод этилган.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган, биринчи навбатда солиқ юкини камайтиришга қаратилган солиқ сиёсати иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга ҳамда янги иш ўринларини яратишга хизмат қилмоқда.

Миллий иқтисодиётимизда кичик бизнес иқтисодий ўсиш суръатларини белгиловчи етакчи соҳа ҳисобланади. Шу боис, нафақат юртимизда, балки аксарият ривожланган давлатларда ҳам мазкур соҳа субъектлари мунтазам равишда рағбатлантирилади.

Кейинги йилларда давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, айниқса уларнинг инновацион фаолияти учун қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатларни шакллантириш борасида кенг кўламли ва изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Кредит маблағлари ажратиш.

Кичик бизнесни инновацион ривожлантириш учун соҳани молиявий ресурслар билан таъминлаш тизимида кредитлаш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз банклари барча саъй-ҳаракатларини соҳани кредитлаш ҳажмини сезиларли даражада кўпайтириш, кредитлаш ставкаларини мумкин қадар камайтириш ва тадбиркорларга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини оширишга сафарбар қилмоқда.

Чунончи, 2000-2010 йиллар давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига йўналтирилган маблағлар ҳажми 26 баробарга

кўпайгани, банк хизматларининг ўнлаб янги турлари жорий этилгани эътиборлидир.

2011 йилда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурига мувофиқ, банк тизимида тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун ажратилаётган кредитлар, биринчи навбатда ўрта ҳамда узоқ муддатли кредитлар ҳажмини кенгайтириш, шунингдек, кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини янада яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилинди.

Айни пайтда тижорат банклари томонидан Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги юқори технологияли ва инновация лойиҳаларини молиялаштириш учун ажратилмоқда.

Тижорат банкларининг Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси ресурслари ҳисобига кредитлар тақдим этишдан олинadиган даромадлари 2016 йилнинг 1 январига қадар кичик корхоналар солиғи тўловларидан озод қилингани ҳам имтиёзли ресурслар ҳажмининг сезиларли даражада оширилишини рағбатлантирмоқда.

Маълумки, ҳукуматимиз қарори билан Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ҳузурида Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармаси ташкил этилган эди. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларида лойиҳа ғояларини танлов асосида саралаш ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш ҳамда республикаимиз кредит ташкилотлари томонидан инвестициявий ва инновацион лойиҳаларнинг молиялаштирилишини ташкил этишга кўмаклашиш мазкур жамғарманинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини

шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига асосан кичик бизнес субъектларининг миллий валютадаги ҳисоблари ҳақ ундирилмасдан очилиши, уларнинг кредит сўраб, ёзган аризалари тижорат банклари томонидан уч банк куни давомида кўриб чиқилиши мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, бозор ислохотларини либераллаштириш ва чуқурлаштириш, тадбиркорликка янада кўпроқ эркинлик бериш, соҳани ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш йўлида хизмат қилмоқда.

Ўтган йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминлаш борасида ижобий ўзгаришларга эришилди. Имтиёзли кредит ставкалари, масалан, бизнесни бошлаш учун ажратиладиган кредит ставкаси 5% дан 3% га қадар пасайтирилди ва ҳ.к.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан хомашё ва ресурслардан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Жумладан, биржа савдолари орқали сотиладиган юқори ликвидли, монопол маҳсулотлар турлари позициялари 136 тадан 195 тагача кўпайди.

Кичик бизнес субъектларининг биржа савдоларида иштирок этиш имкониятларини ошириш мақсадида биржа хизматининг комиссия харажатлари ўртача 25% гача пасайтирилди ва биржа савдоларида қатнашиш учун тўланадиган гаров пули 10% гача оширилди.

Тадбиркорлар учун енгиллик яратиш мақсадида қуйидаги тўловлар миқдори камайтирилди:

- архитектура-режалаштириш топшириғини (АРТ) ишлаб чиқишга кетадиган тўловлар – 2 мартагача;
- экологик экспертизадан ўтказиш тўловлари – 20 фоиздан 90 фоизгача;
- турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказиш харажатлари – 9 мартагача;

- лойиҳалаш ҳужжатларини экспертиза қилиш харажатлари – 2 мартагача.

Шунингдек, банкда ҳисоб рақами очиш ва ёпиш учун олинадиган тўловлар умуман бекор қилинди.

Мамлакатимизда кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларининг янада эркин фаолият юритаётганини, уларни кредитлаш ҳажмининг сезиларли даражада ошаётганини кузатиш мумкин. Таҳлилларнинг кўрсатишича, 2011 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига умумий қиймати 4 трлн. 41 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди. Бу эса 2010 йилга нисбатан 1,5 баробар кўпдир. Шу ўринда қайд этиш жоизки, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурида кўзда тутилган прогноз кўрсаткичи 113,6 фоизга ошириб бажарилди.

Кредитларнинг умумий қийматида ажратилган микрокредитлар ҳажми 752,3 млрд. сўмни ташкил этди. Бу ҳам 2010 йилга нисбатан 1,5 баробар кўпдир. 2011 йилда “Микрокредитбанк” ОАТБ томонидан 159,7 млрд. сўмлик ёки 2010 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

Ўзи ва бошқаларнинг маблағларидан фойдаланиш.

Инновация фаолиятини молиялаштириш кичик бизнес субъектларининг ўз маблағлари, инвестициялар, ҳамкорлик, ҳомийлик хайриялари ва бошқа маблағлар ҳисобига ҳамда юридик ва жисмоний шахслар, халқаро ташкилотлар, инвестиция, инновация ва бошқа фондлар томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши ҳам мумкин.

Кичик корхоналарнинг ўз маблағларига асосан уларнинг фойдаси, амортизация фондлари, зарарни қоплаш учун ундирилган суғурта тўловлари, номоддий активлар, вақтинча бўш бўлган асосий ва айланма маблағлар киради. Кичик корхоналарнинг инновацион фаолиятини ўз маблағлари ҳисобига молиялаштириш уларнинг мустақил фаолият юритиш имкониятини

кенгайтиради, бошқалар олдидаги масъулият ва жавобгарлик юкини анча камайтиради.

Шу билан бирга, бизнинг фикримизча, бугунги кунда бошқаларнинг ёрдамсиз ўз маблағлари ҳисобидан инновацион фаолият юрита оладиган кичик корхоналар кўпчиликини ташкил этмайди. Кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини янада тезроқ ривожланишига кўпгина ҳолларда унинг молиявий таъминотидаги етишмовчиликлар, айрим муаммо ва қийинчиликларнинг борлиги салбий таъсир кўрсатмоқда.

Кичик бизнес корхоналарининг инновацион фаолиятини молиялаштиришда инвестиция ва лизинг компаниялари, хорижий компаниялар ва фондлар, инновация фаолияти субъектларининг модернизациялаш ва янги технологиялари фондлари, инновация ва венчур фондлари қонунчиликка мувофиқ иштирок этишлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Суғурта кафолатлари бериш.

Инновация фаолияти соҳасида суғурта қилиш суғурта шартномалари асосида миллий суғурта компаниялари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Суғурта шартномалари кичик бизнес инновация фаолиятининг юқори таваккалчилик характериға, инновация маҳсулотини яратиш, ундан фойдаланиш, тижоратлаштириш ва бозорда сотилишида мумкин бўлган ноаниқликлар, зарар кўришлар ёки салбий натижаға эға бўлишлик эҳтимоллиги юзаға келиши сабабли молиявий ва бошқа йўқотишларни эътиборға олишға асосланади.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда кичик корхоналари тижорат банкларининг кредитларини олишда гаров воситаларини тақдим этишлари шарт. Сир эмаски, бугунги кунда кўпинча кичик бизнес корхоналарнинг ўзида инновацион лойиҳаларни молиялаштиришға керак бўладиган, айниқса катта миқдордаги кредитлар олиш учун гаров маблағлари етишмайди.

Бундан ташқари, кредит қайтарилишини кафолатловчи асослар ҳам заифдир, кўпинча суғурта компаниялари кичик бизнес кредитларини суғурталашга таваккал қилмайдилар.

Афсуски, бундай ҳолатлар кичик бизнес корхоналарининг самарали ривожланиши ва инновацион фаолиятини молиялаштиришда муайян қийинчилик ва муаммолар туғдиради.

Жаҳон тажибаси шуни кўрсатадики, кўплаб ривожланган мамлакатларда тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларининг инновация лойиҳалари учун ажратилган кредитларга давлат кафолатлари берилади. Шунингдек, кичик бизнес корхоналарининг банклардан олган кредитларини қайтарилиши гарови сифатида махсус Кафолат жамғармалари фаолият юритади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бизнинг мамлакатимизда ҳам кичик бизнес субъектларининг юқори самара берадиган инновацион фаолиятини молиялаштириш учун олинадиган кредитларнинг қайтарилишини кафолатловчи тузилмаларни шакллантириш вақти келди, деб ҳисоблаймиз.

2.3 Кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини венчур молиялаштириш усули

Иқтисодиётнинг ҳар қандай тармоғида инновацияни жорий этиш молиявий маблағни талаб қилади. Инновацион бизнесни молиялаштириш жараёни эса одатдагидан кўра фарқли бўлиб, жаҳон амалиётида бундай молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бири венчур фонди ҳисобланади.

Жаҳон амалиётидаги илғор тажрибаларнинг кўрсатишича, кичик бизнесни молиялаштиришда венчур фондининг аҳамиятига алоҳида ўрин берилган.

“Венчур” тушунчаси инглизча venture сўзидан олинган бўлиб, одатда “хатар”, “таваккалчилик” деган маъноларни англатади.

Венчур фонди – бу таваккалчилик даражаси юқори, олдиндан даромад ёки зиён кўрилиши аниқ маълум бўлмаган инновация лойиҳалари ва дастурларини молиялаштириш ва амалга ошириш, шунингдек,

инновацияларни жорий қилувчи ташкилотларни молиявий, консалтинг, инжиниринг ва ҳуқуқий қўллаб-қувватловчи жисмоний ёки юридик шахслар томонидан ташкил этиладиган махсус молиявий фонддир.

Венчур молиялаштириш - бу корхоналарнинг таваккалчилик даражаси юқори, фойда ёки зарар кўриши олдиндан номаълум бўлган инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун молиявий ресурсларни ажратишдир.

Кўп ҳолларда венчур капитали мустақил фондлар кўринишида бўлиб, улар кичик ва ўрта корхоналарни инвестициялаш учун молиявий институтлар сармоясини ўзига жалб қилади.

Жаҳон тажрибасида баъзи молиявий институтларнинг ўзида ҳам венчур фондлари амал қилиши кузатилган. Бундан ташқари, венчур соҳасида хусусий инвесторлар ва йирик компанияларнинг биргаликдаги иштироки, яъни корпоратив венчурлаш мавжуд.

АҚШда венчур капитали соҳасига мансуб бўлган тижорат молия ташкилотлари кенг тарқалган. Уларнинг фаолият мақсади пул маблағларини йиғиб, фойда олиш учун манфаатли лойиҳаларни молиялаштиришдан иборат. Маълумотларга қараганда, АҚШ ва Буюк Британияда бундай фондлар маблағининг ўртача ҳажми 50 млн. долларни ташкил этади. Кўп ҳолларда венчур фондлари масъулияти чекланган ҳамкорлик шаклида ташкил этилади. Айни ушбу тарихий шакл венчур капиталини тузишда қулай восита бўлиб чиққан. Бундай фаолият масъулияти чекланган ва умумий шериклик қисмларидан таркиб топган. Биринчи қисмга мансублари фақат ўз капитали билан иштирок этади, аммо бошқарувда қатнашмайди, масъулиятга эга бўлмайди. Улар ўз маблағларини таваккал қилиб сарфлашади. Умумий шерик эса аксинча, бажариладиган барча ишлар учун жавобгар ҳамда бошқарувда иштирок этади.

Таҳлилларга қараганда, венчур фондлари ўз фаолиятларини ҳам ички, ҳам ташқи бозорда олиб боришган. Масалан, Буюк Британиядаги мавжуд 10

та йирик венчур фондларининг 3 таси хорижий инвесторлар саналиб, улар АҚШ компанияларига мансубдир.

Жаҳон амалиётида венчур фондларида кўп ҳолларда банклар, йирик корпорациялар, суғурта компанияларининг фаол иштирокини кўриш мумкин. Масалан, 2007 йилда Европада ташкил этилган масъулияти чекланган шаклдаги (Limited Partnership) венчур фондларининг таъсисчи ёки инвесторларининг 25,3 фоизи пенсия жамғармалари, 16,2 фоизи банклар, 10,3 фоизи суғурта компаниялари, 9 фоизи бизнес-ангеллар ҳиссасига тўғри келган. Европадаги амалиётга кўра, бундай ҳамкорлик шартномалари 10 йилга тузилади ва баъзида яна 3 йилга узайтирилади. Кембридж тадқиқот марказининг таҳлилларига кўра, 2007-2008 йилларда Буюк Британияда энг кўп инвестициялар ҳажми масъулияти чекланган ҳамкорлик шаклидаги венчур фондлари ҳиссасига тўғри келган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, дунёда норасмий венчур капиталининг энг кўп ҳажмини бизнес-ангелларнинг инвестициялари ташкил этмоқда. Шу ўринда қайд этиш керакки, “бизнес-ангел” тушунчаси дастлаб турли маданий тадбирларни ҳомийлик асосида молиялаштириш ва муваффақиятли натижаларга эришилган ҳолатларда олинган фойданинг тақсимланишида иштирок этиш жараёнида пайдо бўлган. Кейинчалик Силикон водийсида бадавлат кишилар инновацион лойиҳаларни амалга оширишнинг дастлабки босқичларида молиялашда қатнашганлар. Даврий равишдаги бундай лойиҳаларнинг амалиёти инвестициялар оқимининг ошишига, бизнес-ангеллар фаолиятининг кенгайишига олиб келган.

2008 йилдаги статистик маълумотларга кўра, АҚШда 1 млн. нафар салоҳиятли бизнес-ангеллар фаолият кўрсатган бўлиб, уларнинг йиллик имкониятлари 50 млрд. долларни ташкил этган. Европада шу пайтда йилига 20 млрд. евро миқдорида инвестициялаш имкониятига эга 12 минг 800 нафар бизнес-ангел фаолият кўрсатган. Бизнес-ангеллар хатарларни камайтириш мақсадида кўпинча ўз маблағларини бирлаштириб, синдикатларни ташкил этишган.

Умуман, венчур капитали миқёси бўйича АҚШнинг дунёда етакчи эканлигини кузатиш мумкин. 2008 йилдаги мавжуд иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан бу мамлакатда венчур капитали ҳажми 2007 йилдагига нисбатан анчага ўсиб, 28,8 млрд. долларни ташкил этган. Ушбу инвестициянинг 38 фоизи Калифорния штати ҳиссасига тўғри келган. Венчур инвесторлари билан 2550 та шартнома имзоланган. Бу даврда Европада венчур капиталининг миқёси 6,5 млрд. доллардан иборат бўлиб, имзоланган шартномаларнинг сони 881 тага етган. Мазкур минтақадаги етакчиликни эса қатор йиллардан буён Буюк Британия эгаллаб келмоқда. Венчур капиталининг Европадаги жами қўламининг 29 фоизи мазкур давлатнинг венчур инвестицияси ташкил қилади. Минтақа бўйича венчур фонди бозоридаги кейинги ўринларда Франция ва Германия турибди.

Кейинги йилларда венчур капитали бозорининг дунёдаги ўсиш тенденциясида Хитой ва Исроил инвестицияларининг алоҳида ўрни кузатилмоқда. 2008 йилги статистик маълумотларга кўра, Хитойда венчур инвестицияси ҳажми 4,2 млрд. долларни (2007 йилда бу кўрсаткич 1,4 млрд. долларни), Исроилда 1,9 млрд. долларни (1,6 млрд. долларни) ташкил этган.

Умуман, жаҳон тажрибасидан маълум бўлишича, венчур капитали амалий ғояларнинг тижоратлаштирилишида катта ёрдам берган. Гарчи, Европада ЯИМнинг 1,8 фоизи, АҚШда эса 2,8 фоизини ташкил этсада, венчур капитали ўзига хос аҳамиятга эга бўлган. Чунки, ушбу капитал корхоналарнинг инновацион тараққиётини таъминлашнинг ягона омили сифатида хизмат қилган. Шу боисдан дунё миқёсида венчур капиталини инновацион бизнес ривожининг асоси, дейиш мумкин.

Кичик бизнес субъектларининг инновацион лойиҳаларини амалга ошириш ва тижоратлаштириш муаммосини самарали ҳал этишда венчур молиялаштириш фондларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Инновацион лойиҳаларни венчур лойиҳалаштириш фонди давлат ва хусусий маблағларни жамлаб, уларни ушбу лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтиради.

Фирмада венчурли бўлимнинг тузилиши ва ҳаракат қондаси ҳудди эркин венчур корхонага ўхшашдир. Маълумки, венчурлар асосан кичик бизнесни ривожланишига тааллуқлидир. Уларнинг тавсифи хусусиятларига қуйидагилар киради:

1. Бу таваккалли бизнес, яъни бу тадбир ўта янги, аввал ҳеч ким томонидан ишланмаган (инновацион) объектни танлайди ва ўз капиталини ёки қарзга олинган молиявий воситаларни ишлатишни таваккал қилиб сарфлайди. Агар муваффақиятга эришса, тадбиркор катта ўлчамдаги ўта юқори даражадаги даромадга эга бўлади.

2. Таҳлилларнинг кўрсатишича, илмга бой венчур фирмаси ўз лойиҳасини ишлаш ва маҳсулот чиқаришни йирик корхоналарнинг вазилавий бўлимларига қараганда 1/3 ёки 2/3 мартда тезроқ амалга оширишга муваффақ бўлади.

Венчурнинг шиорларидан бири «Агар сен бугун йирик муаммони ечишга тайёр бўлмасанг, унда ҳозирги кунда қўлингдан келадиган масалани еч».

3. Венчур фирмаси барча кичик бизнес дунёсида катта ҳаракатчанликка эга. У эркин ташкилот бўла туриб, иш усулларини ва схемаларини ўзгартириш имкониятига эга.

4. Тадбиркорлик «венчур» тушунчасига эгаллигидаги энг муҳими, унинг қуйидаги аломатларидир: (эгаллогич, раҳбар, менежер): ишбилармонлик, интилувчанлик, мардлик, таваккалчилик, рақобатчилик билан бўладиган курашдаги жонкуярлиги ва бошқа сифатлари жуда муҳимдир.

Кичик бизнесда муваффақиятли ҳаракат қилувчи венчурлардан келадиган фойда шунчалик каттаки, ҳатто йирик фирма раҳбарлари улардан ўзига иттифоқчи қидира бошлайдилар. Инновацион лойиҳаларни бажариш учун раҳбарлар шартнома ва буюртмалар тузадилар, молиявий ёрдамлар кўрсатишади. Иккинчи йўл эса венчур гуруҳининг ижобий тажрибасини

ўтказиш ва фирма ичида керакли инновация бўлинмаларининг яратишдан иборат.

Инновацион лойиҳаларни тижоратлашувида мазкур лойиҳаларни молиялаштириш муҳим ўрин тутди. Хорижий давлатлар тажрибалари шуни тасдиқламоқдаки, инновацион лойиҳаларни молиялаштиришининг энг мақбул усулларида бири бу венчур молиялаштиришдир. Бунда венчур молиялаштириш фондларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Инновацион лойиҳаларни венчур молиялаштириш фонди хусусий маблағларни жамлаб, уларни ушбу лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтиради. Венчур молиялаштиришни амалга оширувчи томонлар инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш натижалари юзасидан олинган даромадга молиялаштиришга қўшган хиссалари миқдорида улуш оладилар. Венчур молиялаштириш “таваккалли молиялаштириш” деб ҳам аталади, чунки молиялаштирувчи инвестор мазкур лойиҳаларни ишлаб чиқариш натижаларига кўра истиқболни олдиндан кўра билмайди.

Инновацион лойиҳаларни венчур молиялаштиришнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- венчур фондининг маблағлари илмий ҳажмдор маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инновацион лойиҳаларни яратишга қаратилган ва юқори технологияга асосланган янги кичик корхоналарга йўналтирилади. Лойиҳани муваффақиятли амалга оширилиши истиқболда юқори фойда олиш билан яқунланади. Ўз навбатида бунда қўйилган капитални йўқотиш хавфи ҳам жуда юқоридир;

- венчур капитали ўрта ва узоқ муддатларга тақдим этилади ва венчур фирмасини ҳаётийлик даври тугамасидан капитални қайтариб олиш мумкин эмас (одатда 5-7 йил);

- венчур молиялаштириш имтиёзли тарзда ривожланиш салоҳияти мавжуд бўлган кичик инновацион корхоналарга 5-7 йил муддатга тақдим этилади;

- венчур инвестициялари уни қайтаришга кафолат мавжуд бўлмаган шароитда узоқ муддатли кредитларнинг кафилликсиз шакли ҳисоблади;
- венчур молиялаштириш фонд биржасида акциялари ҳали котировка қилинмаган ривожланаётган корхонанинг акцияларига пай кўринишида капитал кўйиш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли банклар бу каби лойиҳаларга ўз маблағларини йўналтиришни хохламайди;
- венчур фонди ўз маблағларини бевосита корхонани ўзига эмас, уни акционерлик капиталига йўналтиради;
- венчур капиталининг ноанъанавий (янги, айрим ҳолларда бутунлай бошқа турдаги) кичик корхоналарни қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши бир томондан капитални қайтиш хавфини оширса, иккинчи томондан юқори фойда олиш эҳтимолини кучайтиради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, венчур молиялаштириш жаҳон тажрибасида кичик бизнеснинг иновацион фаолиятини молиялаштиришнинг энг мақбул усулларида бири сифатида ўз исботни топган. Шунинг учун келгусида Ўзбекистонда ҳам венчур фондлари шаклланиб, уларнинг ресурслари кичик бизнес корхоналарининг инновацион фаолиятини молиялаштиришда кенг қўламли қўлланилиши муқаррардир.

II боб бўйича хулоса

1. Кичик бизнес субъектларини ривожлантириш ва уларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш бўйича давлат томонидан қатор чора-тадбирлар қабул қилинган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инновацион фаолиятни рағбатлантириш асосан ижтимоий, иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва сиёсий кўринишларда амалга ошмоқда.

2. Кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий негизини янада такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари ва шарт-шароитларини таъминлаш, қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш, инновация инфратузилмалар фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш, давлат статистика, бухгалтерия

ва солиқ ҳисоботининг янада соддалаштирилган тартибини жорий этиш рағбатлантиришнинг муҳим шартларидир.

3. Ўзбекистонда кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини рағбатлантиришнинг энг муҳим йўлларида бири уни молиялаштиришдир. Бугунги кунда молиялаштиришни нафақат давлат маблағлари ёрдамида балки, нодавлат ташкилотларининг маблағлари ҳисобига амалга ошириш муҳимдир. Шунинг учун, кичик бизнес инновацион фаолиятини молиявий рағбатлантириш асосий манбалари кўрсатиб берилган.

III БОБ. КИЧИК БИЗНЕСНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Кичик бизнес корхоналари инновацион фаолиятини бошқаришдаги илғор хорижий тажрибалар ва улардан фойдаланиш йўналишлари

Бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодиёт реал секторининг етакчи тармоқларида кичик бизнесни ривожлантириш ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашни тақоза этмоқда. Бунинг учун, жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳақиқатан ҳам, ривожланган мамлакатларда кичик бизнесни ривожлантириш орқали иқтисодиётни юксалтиришга алоҳида аҳамият берилган. Иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва унга кенг йўл очиб бериш аҳолини бандлигини самарали таъминлаш ва бу орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим гарови сифатида эътироф этилади.

Қўллаб-қувватлаш мамлакатларда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш етарли ресурс имкониятларига ва бошқарув ваколатига эга бўлган махсус давлат органлари зиммасига юклатилган.

Хусусан, бу борада фаолият кўрсатаётган махсус ҳукумат органлари қаторига АҚШда – SBA, Администрация, Миллий илмий фонд, Буюк

Британияда – “Кичик бизнесга хизмат кўрсатиш миллий Агентлиги” (SBS), Германияда – “Кичик ва ўрта бизнес бош Директорати” (DG VIII), Японияда – “Кичик ва ўрта тадбиркорлик Агентлиги” (SMEA), Венгрияда – “Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича миллий кенгаш”, Польшада – “Кичик ва ўрта тадбиркорлик департаменти”, Кореяда – “Кичик ва ўрта бизнес администрацияси” ни киритиш мумкин²¹.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кичик бизнеснинг мамлакат миллий даромади, аҳоли бандлиги, экспорт бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлардаги улуши юқоридир (3.1.1-жадвал).

3.1.1-жадвал

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнес ривожланишининг асосий кўрсаткичлари²²

Давлатлар	Кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, %	Кичик ва ўрта бизнеснинг умумий бандликдаги улуши, %	Кичик ва ўрта бизнеснинг умумий экспорт хажмидаги улуши, %	Жами корхоналар таркибида кичик в ўрта бизнес корхоналари сони ва улуши	
				сон, млн.	Улуши, %
АҚШ ²³	52,0	50,1	30,0	22,9	97,6
Канада*	43,0	47,0	...	...	99,8
Япония ²⁴	51,6	80,0	40,0	4,69	99,7
Германия*	57,0	69,3	...	...	99,3
Франция*	49,8	56,6	...	...	97,6
Италия*	55,0	71,0	...	...	99,2
Буюк Британия ²⁵	52,0	55,5	...	4,0	99,1
Польша ²⁶	48,0	68,1	44,0	1,7	99,8

²¹ Малое предпринимательство в России: прошлое, настоящее и будущее. Под ред. Б.Г.Ясина, А.Ю.Чепуренко, В.В.Буева. – М.: Фонд «Либеральная миссия», 2003. – Стр. 137.

²²*Канада, Германия, Франция ва Италия давлатларига тегишли маълумотлар учун манба: «Деловая среда в Узбекистане глазами представителей малого и среднего бизнеса». Отчет Международной Финансовой Корпорации по итогам 2007 г. - 21 с.

²³ Администрация малого бизнеса США-АМБ., 2007 г. <http://www.sba.gov>.

²⁴ National Life Finance Corporation (Japan). Статистические исследования о коммерческих учреждениях и предприятиях, 2006 г. Small and Medium Enterprise Agency – SMEA. http://www.chusho.meti.go.jp/sme_english/index.html. 2006 г.

²⁵ Small Business Service. <http://www.sbs.gov.uk>, Department of Trade and Industry. <http://www.dti.gov.uk>

²⁶ Польского агентства развития предпринимательства – ПАПИ. <http://www.parp.pl>, 2007 г.

Жанубий Корея ²⁷	51,0	74,7	42,3	6	3,0	97,9
-----------------------------	------	------	------	---	-----	------

Юқоридаги статистик маълумотлардан кўринадики, ривожланган мамлакатларда кичик бизнес корхоналарининг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси ўртача 50-57 фоизини ташкил этмоқда. МДХ мамлакатларида эса кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ривожланган мамлакатларга нисбатан пастдир.

Шу билан бирга, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг инновацион фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминлаш ва уларни жалб этишнинг ўта мураккаблиги энг жиддий муаммолардан биридир. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларнинг кичик бизнесни молиялаштириш соҳасидаги тажрибасини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Хорижий мамлакатларда кичик бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг мукамал ва пухта ишлаб чиқилган тизими мавжуд бўлиб, бу тизим иқтисодиётнинг глобаллашуви, жаҳон молиявий–итисодий инқироzi ва рақобатнинг кучайиши шароитида ижтимоий-итисодий муҳитнинг барқарор тараққий этишини таъминлайди. Бундай ҳолат эса, давлат томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш механизмининг тўлақонли ривожланганлигини англатади.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда кичик бизнес корхоналарнинг кенг-қўламли ривожланиши ва уларнинг инновацион фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш юзасидан бир қатор самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар ҳозирда амалий аҳамиятга эгадир (3.1.2-жадвал).

Жаҳон тажрибасида кичик бизнес корхоналарининг инновацион фаолиятининг молиявий манбаи бўлиб давлат ва хусусий сектор ҳисобланади. АҚШ, Япония, Германия ва Францияда илмий тадқиқот ва техник ишламаларни молиялаштирилган жами маблағнинг 48–72 % хусусий секторга тўғри келади. Ушбу мамлакатларда жами илмий тадқиқот ва

²⁷The Small and Medium Business Administration – SMBA. <http://www.smba.go.kr / main / English / index.jsp>. 2008 y.

инновацион ишламаларнинг 60–75 % хусусий секторда бажарилади: шу жумладан амалий тадқиқотларнинг 70 % дан ва тажриба конструкторлик ишларнинг 90 % дан ошиғи.

Ривожланган мамлакатларда давлат сектори муҳим манба ҳисобланса-да, аммо инновацион фаолиятни амалга оширишда ва молиялаштиришда иккинчи даражали ўринни эгаллайди. Унинг улуши кўпчилик ривожланган мамлакатларда, хусусий секторга нисбатан 1,3 – 2,5 марта кам.

3.1.2-жадвал

Жаҳон тажрибасида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантиришнинг асосий хусусиятлари²⁸

Асосий хусусиятлар	Асосий хусусиятларнинг қайси давлатларга хос эканлиги
Янги маҳсулот ва технологияларни ишлаб чиқариш харажатларини 50 фоизгача тўғридан-тўғри молиялаштирилади (субсидиялар, заёмлар)	Франция, АҚШ ва бошқалар
Фоизсиз ссудадалар тақдим этилади	Швеция
Дотациялар берилади, Кичик бизнесга кредитлар ажратишда венчур фондларидан самарали фойдаланилади	амалда барча ривожланган мамлакатларда
Инновация лойиҳаларини ишлаб чиқаришга жорий этилишини қўллаб-қувватлаш мақсадида венчур молиялаштириш фондлари ташкил этилади	АҚШ, Англия, Германия, Франция, Швейцария, Нидерландия
Якка тартибдаги кашфиётчилар учун давлат божлари пасайтирилади	Австрия, Германия, АҚШ, Япония
Кашфиётлар энергияни тежашга қаратилган бўлса, давлат божларини тўлашдан озод этилади	Австрия
Амалга оширилган тадқиқотлар натижалари бўйича патентлар олишда божлардан озод этилади	Нидерландия, Германия, Япония
Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар солиққа тортишдан озод этилади, солиқлар фақатгина экспорт қилишда солинади	Хитой
Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш (бозорга чиқишда, шериклар топишда, ахборот билан текин таъминлашда, имтиёзли нархда ижарага бино ва иншоотлар, керакли асбоб-ускуналар тақдим этиш)га алоҳида эътибор қаратилади	Буюк Британия, Италия
Тадбиркорларга фаолиятининг дастлабки икки йилида фоизсиз кредитлар берилади, кейинги йилларда эса жуда паст ставкаларда йиллик фоизлар ундирилади. Шу тариқа тадбиркорлар бепул бошланғич сармоя билан таъминланади	Германия
Кичик бизнеснинг суғурта қилинмаган зарарларини қоплаш учун ёрдам пули берилади. Ёрдам пули инновацияларнинг хавфли лойиҳаларини қоплайди. Давлат банк кредитларини олишда кафил сифатида қатнашади	АҚШ

²⁸ Ғойибназаров Б.К., Раҳмонов Ҳ.О. ва бошқалар. Кичикбизнес ва хусусий тадбиркорлик-мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юксалтириш омили.-Т.: Фан, 2011- 184 б.

Ушбу кўрсаткич Францияда 42 %, Германияда – 37 %, АФШда – 36 %, Японияда – 21 % ни ташкил қилади. Давлат секторининг инновацион ишларни бажаришдаги улуши, уларни молиялаштиришга нисбатан ҳам кам ва ривожланган мамлакатлардан олинган илмий ва инновацион ишлар умумий ҳажмининг 10–21 % ташкил қилади.

АҚШда инновацион тадбиркорликни қўллаб қувватлаш бўйича кичик бизнес ишлари бўйича Администрация, Миллий илмий фонд, НАСА, университетлар, тармоқ вазирликлари шуғулланади. Ушбу ишларни Германияда иқтисод вазирлиги, илмий тадқиқот ва технологиялар вазирлиги, саноат тадқиқот ассоциация федерацияси, Патент маркази амалга оширади; Франция – иқтисод вазирлиги, тадқиқот натижаларини жорий қилиш бўйича миллий агентлик, Илмий техник фонд; Японияда – кичик бизнесни молиялаштириш корпорацияси, таваккал тадбиркорлик маркази; халқ молиявий корпорацияси; Италияда – технологик янгиликлар маркази ва тижорат банклари, суғурта фондлари билан биргаликда кичик инновацион бизнесни қўллаб қувватлаш бўйича миллий дастурларнинг муваффақиятли амалга ошириш учун керакли замин яратаяптилар.

Жахон тажрибасида инновацион фаолиятни рағбатлантишда солик имтиёзларининг куйидаги турларидан фойдалинилади:

- Инновацион ва илмий тадқиқот солик кредитларини тадким этиш, яъни фойдадан инновацион мақсадларга ажратилганда фойда солиги бўйича имтиёзлар бериш.
- Инновацион харажатлар купайганда соликларни камайтириш;
- Инновацион фаолият бўйича олинган фойдани соликдан озод қилиш;
- Юридик ва жисмоний шахслар инновацион ташкилотларнинг акцияларини сотиб олиш натижасида олинadиган дивидентлари имтиёзларга соликларга; тортиш;
- Фойда буюртмали ва кушма ИТТКИга йуналтирилганда фойда солигини камайтириш;

- Лойихаларнинг устивор йуналишларда бажарилётганлигини ҳисобга олиб имтиёзлар бериш;
- Интеллектуал мулкнинг натижалари бўлмиш патент, лицензия, ноу-хау ҳисобига олинган фойдани имтиёзли солиқларга тортиш;
- Машина ва дастгоҳлар ИТИ, олий укув ютрлари ва бошқа инновацион ташкилотларга берилганда фойданинг солиққа тортиладиган қисмини уларнинг қийматиға мос ҳолда қамайтириш;

Ҳозирги вақтда саноати ривожланган мамлакатларда илмий-инновацион ривожланишнинг учта моделини ажратиш мумкин.

1. Фонда етакчиликка интилаётган мамлакатлар, илмий-ишлаб чиқариш босқичларининг барча бугинларини қамраб олган йирикмасштабли мақсадли лойиҳалар амалга оширилади ва бу ерда муҳофа секторининг илмий-инновацион улуши жуда катта. (АҚШ, Англия, Франция);

2. Янгиликларни қенгайтиришга, қулай инновацион муҳит яратишга иқтисодиётнинг барча тармоқларини рационаллаштиришга интилаётган мамлакатлар, (Германия, Швеция, Швейцария);

3. Инновацион инфраструктураларни ривожлантириш йули билан янгиликларни рағбатлантирувчи, жаҳон илмий техника ютуқларига мослашувини таъминловчи, фан ва технология соҳаларининг барча соҳаларини мувофиқловтиривчи мамлакатлар (Япония, Жанубий Корея).

Қуйида АҚШ ва Японияда инновацион фаолиятни давлат томонидан бошқаришнинг айрим хусусиялари тўғрисида тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз

1. АҚШда давлат венчур фирмаларни ва тадқиқот марказларини ташкил этишни рағбатлантиради. Миллий илмий фонд ташаббуси билан АҚШда энг самарали тадқиқотлар маркази ва венчур фирмалар биринчи 5 йилида тўла ёки қисман федерал бюджетдан молиялаштириши мумкин.

Фан талаб жуда катта бўлган ва самарали тадқиқотларни давлат уларнинг мураккаблигини, харажатлар ва таваккалчилик даражаси юқори

бўлгани ва кучли халқаро рақоботчиликни ҳисобга олиб тўла ўз ҳисобидан молиялаштиради.

Миллий илмий фонднинг маълумотларига асосан ҳозирги даврда илмий техник тараққиётда кичик бизнес илмий текшириш ишларнинг ўрни кучайиб бормоқда.

Кичик ва ўрта бизнес фирмалари охириги ўн йилликда ўртача бир кишига йирик корпорацияларга нисбатан 2.5 марта кўп ихтиролар яратилган.

Бошқа технологик ривожланган давлатлар каби АҚШда ҳам венчур фирмалар, «спин-офф» фирмалар (олий ўқув юртлари, мустақил институт, давлат тадқиқот марказлари ва йирик корпорацияларнинг махсус лабораторияларидан ажралиб чиқан фирмалар) ва инвестицион фирмалар фаолият кўрсатиб бормоқда. Давлат фаол равишда «спин-офф» фирмаларни йирик нотижорат илмий марказлар, университетлар томонидан субсиядалаштирилиб бормоқда. Бундан ташқари «спин-офф» фирмалари орқали илмий ютиқларни тарқатиш мақсадида, мамлакатда миллий илмий фонд томонидан молиялаштириладиган бир қатор инновацион фондлар фаолият кўрсатмоқда.

Бу ерда, тижорат мақсадлари учун федерал ҳукуматнинг бюджет ҳисобига молиялаштирилган тадқиқотлар натижасида олинган патент ва ихтироларни фирмаларга бепул сотиш тажрибаси кўрсатиш мумкин.

Инвестицион фондлар фаолиятнинг асосий мақсади кичик инноватор фирмаларга ва якка ихтирочиларга молиявий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Кичик фирмаларни инвестициялашда Миллий илмий фонд муҳим ўрин эгаллайди, яъни ушбу фонд инвестицион фирмаларни кредит билан таъминлайди, балким уларга грантлар ажратади.

Бундай фондлар қаторига АҚШ энергетика вазирлигининг инвестицион фондини киритиш мумкин. Бу фонд ҳам кичик фирмалар томонидан амалга оширилаётган айрим тадқиқот лойиҳалар каби, шахсий ихтирочиларни субсидиялаш билан шуғулланади.

Инновацион жараёнларни тўғридан тўғри қўллаб қувватлашнинг муҳим элементи давлат инновацион инфратузилмаларини ташкил этишдир. Давлат янгиликларни тарқатувчи марказлар ва инноваторларга хизмат кўрсатувчи консултив марказлар ташкил этиши мумкин. Давлат инновацион бозорларининг (давлат матбуотларида ахборат, биржа, ярмарка ва кўргазма) шаклланишини қўллаб қувватлайди ва ўзи унинг агенти сифатида ўзини кўрсатади.

Давлат органлари мамлакатда ва хориждаги инновацион жараёнларнинг мониторингини ва истиқболини олиб бориши лозим. Бу ерда кўпчилик ҳолларда ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун катта самара берувчи илғор технологияларни изланади.

АҚШ инновацион фаолиятни рағбатлантиришда маънавий қўллаб қувватлашга ҳам катта эътибор берилади. Уларнинг қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: давлат мукофотлари, фахрий унвонлар бериш, хўжалик юритишнинг инновацион усуллари тарғибот қилиш, давлат арбобларининг илғор инновацион ташкилотларга ташриф буюриши, илмий - техника интелегенция намоёндаларининг муҳим давлат тадбирларида иштирок этиши ва ҳ.к.

Бошқаришнинг билвоста йўлларида биринчи навбатда солиқ бўйича имтиёزلарни киритиш мумкин: фойданинг солиқга тортиладиган қисмини камайтириш, солиқ ставкаларини камайтириш.

АҚШда бошқарув қарорларини истиқболлашга, оптималлаштиришга ва стандартизациялашга, инновацион лойиҳаларнинг давлат экспертизасига, инновацияларнинг давлат статистикасига катта эътибор берилади.

2. Японияда барча компанияларнинг 99,6 фоизи, сотилган маҳсулотнинг 55 фоизи ва саноатда банд бўлганларнинг 80 фоизи кичик ва ўрта корхоналар улушига тўғри келади. Бундай юқори курсаткичлар кўпчилик тадбиркорларнинг кичик бизнесга жалб этилганлигидан далолат беради. Мазкур мамлакатда кичик бизнес соҳаси жуда кўп корхоналарни (уй

хўжалигидан бошлаб то замонавий техникалар билан қуролланган фирмаларгача) қамраб олади.

Японияда барча кичик саноат фирмаларининг 60 фоиздан кўпроғи йирик фирмалар билан субподряд асосида ишлайди. Корхона – субподрядчи турли масштабдаги субподряд компанияларга қирувчи йирик компанияларнинг ярим мустақил аъзолари бўлиб, бу субподряд компаниялар ўз навбатида марказий компаниялар атрофида гуруҳланган бўлади.

Субподрядчилар ўз маблағ (капитал)лари ҳисобидан технологик жараёнларнинг салмоқли қисмини ташкил этадилар, деталлар ва бутловчи қисмларни етказиб берувчилар ҳисобланадилар, тайёр маҳсулотларнинг таъминотини таъминлайдилар. Таъкидлаш жоизки, “Sony” корпорациясининг фақат ўзи бевосита технологик режада 1100 дан кўпроқ кичик корхоналар билан ишлайди. Бундай тенденциянинг ривожланиши солиқ тўлаш тизимида қонунда қўзда тутилган имтиёзлар бўйича бу кичик корхоналар учун “кам бўлмаган даражада” фойда олишга сабаб бўлмоқда²⁹.

Японияда илмий техника сиёсати давлат томонидан бошқариш қуйидаги расмда кўрсатилган. Японияда саноат ривожланиш стратегиясини аниқлашда, саноат ишлаб чиқаришда ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилишда ташқи савдо ва саноат вазирлиги муҳим ўрин эгаллайди. Илмий техника сиёсати аниқ йўналишларининг бажарилишини фан ва техника бошқармаси назорат қилади.

Япония саноат саноат технологиялари ассоциацияси ташқи савдо ва саноат вазирлигига бўйсунган бўлиб лицензияларни экспорт ва импорт қилиш билан шуғулланади. Японияда илмий техника тараққиётнинг узок муддатли дастури бўлиб амалий тадқиқотларни рағбатлантириш ва чет эллардан лицензияларни сотиб олиш билан шуғулланади. Илмий техника сиёсатни асосан йирик корпорацияларда амалга оширишда.

Давлат сиёсати ҳозирги вақтда, Японияни лицензияларни импорт қилувчи эмас экспорт қилувчи давлатга айлантиришга йўналтирилган.

²⁹Малый, средний и частный бизнес. Ежеквартальный информационный бюллетень для предпринимателей. Республиканская научно-техническая библиотека. ГФАГИ. 1999. – Стр. 29.

Ҳозирги вақтгача мавжуд бозорларда чет эллик рақобатчиларга нисбатан ўз маҳсулотларининг арзонлиги ва юқори сифатлиги билан устинликга эришиб борган бўлса, ҳозир уларнинг олдида янада мурраккаб вазифа пайдо бўлди - маҳсулотларнинг юқори сифатини ва арзонлигини сақлаган ҳолда ўзлари янги бозорларни ташкил этиш.

Япония ташқи савдо ва саноат вазирлиги фақат ташқи савдо ва саноатнинг умумий ва тармоқлар бўйича стратегиясини аниқлашдан чегараланиб қолмасдан, унинг қаромоғида керакли даражада воситалар ва методлар катта арсенали бўлиб стратегияларни конкретлаштириш имкониятига эга. Японияда экспорт ишлаб чиқаришга ва экспорга таъсир қилишнинг ҳаммага таниш иқтисодий ва маъмурий усуллари яъни, экспортни имтиёзли кредитлаш ва суғурталаш, экспортчиларни солиқ тўлашдан қисман озон қилиш, экспортчиларга давлат томонидан комплекс ёрдам бериш ва шунга ўхшаш усуллар билан бир қаторда ўзгача методлардан ҳам фойдаланилади.

Улар қаторга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- хусусий банклар томонидан бериладиган молиявий ресурсларни мақсадли тақсимлаш ва уларни иқтисодиётнинг устивор тармоқларида тўплаш;
- корхоналарга илғор хорижий технологияларни сотиб олишда ёрдам бериш;
- хорижий давлатлар билан илмий-техника ютуқлари билан алмашишларни назорат қилиш.

Фан, ишлаб чиқариш ва илмий техника тараққиётини интеграциялашнинг Япония модели ўз ичида инновация технологияларини ва илмталаб ишлаб чиқаришни қамраб олган, умуман янги технополис-шаҳарларни яратишга йўналтирилган.

Технополисларни ташкил этиш лойихаси - япония ҳукуматининг “олти мақсадли” стратегия дастурининг муҳим бир йўналишидир. Унинг асосий мақсади - технологик сардорлар қаторида ўзининг мустақкам

жойини сақлаб қолишдир. Лойиха марказий ва маҳаллий органлар ва академик соҳа ходимлари томонидан Япония ташқи савдо ва саноат вазирлиги ташаббуси томонидан ишлаб чиқарилган.

Япониянинг технополислар стратегияси - олий технология даражадаги регионал марказлар тизимини ривожлантириш асосида фаолиятнинг янги соҳаларига ёриб кириш стратегиясидир. Бошқача қилиб айтганда, бу-бутун япон хўжалигини интеллектуалаштириш стратегиясидир.

Япония иктисодиёти ривожланишининг хусусияти шундан иборат: саноат ишлаб чиқаришини ва фирмалар капиталини янада концентрациялаш, микроэлектрон техника асосида ресурсларни тежовчи технологияларга ўтиш, терувчи ва қайта ишловчи ишлаб чиқаришнинг устиворлигини таъминлаш. Халқ хўжалигининг асосий ва илғор тармоқлари қуйидагилардир: информатика, электрон техника ва интеграл схемалар ишлаб чиқариш.

Инновацион фаолиятнинг фаоллиги натижасида бир жон бошига тўғри келадиган ЯИМ, ресурслардан самарали фойдаланиш, саноати ривожланган давлатлар ораси иктисодий ривожланиш даражаси ва аҳолининг энг узок умр кўриши бўйича жаҳонда биринчи ўринни эгаллаб турибди.

3.2. Ўзбекистонда кичик бизнесни қўллаб-қуватлаш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар қабул қилинган бўлса-да, бироқ янги, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган кичик бизнес корхоналарининг фаолиятини мукаммал инновациялар асосида ташкил этиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнесни кенг қамровли ривожлантириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қуватлаш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар қабул қилинган бўлса-да, бироқ янги, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган кичик бизнес корхоналарининг фаолиятини мукаммал инновациялар асосида ташкил этиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз Президенти эътироф этганидек, “Ўзбекистоннинг бу йилги ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес субъектларининг улуши 50

фоиздан ортиб бораётганига қарамасдан, афсуски, бу соҳа реал иқтисодиётимизда, авваломбор саноатда етакчи ўринни эгаллай олмаяпти”³⁰

Ҳақиқатан ҳам, аксарият кичик бизнес субъектлари савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритмоқда, ҳали ташқи бозорда рақобат қила оладиган, экспортга мўлжалланган саноат товарлари ишлаб чиқарувчи кичик бизнес корхоналарининг мамлакат ЯИМдаги улуши жуда камдир. Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг маълумотига қараганда, 2010 йилда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларининг экспортдаги улуши 14 фоизга яқин бўлиб, 2006 йилга нисбатан атига 2,5 фоизга ўсган, холос.

Шу билан бирга, бугунги кунда кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, миллий иқтисодиётимизда кичик бизнес субъектларининг сони ва ўрни ортиб бораётган бўлса-да, инновацион технологиялар жорий қилинган кичик бизнес корхоналарининг салмоғи у даражада юқори эмаслигини таъкидлаш жоиздир.

Ҳали ташқи бозорда рақобат қила оладиган, экспортга мўлжалланган товарлар ишлаб чиқарувчи кичик бизнес корхоналарининг мамлакат ЯИМдаги улуши жуда камдир. Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг маълумотига қараганда, 2011 йилда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларининг экспортдаги улуши 14 фоизга яқин бўлиб, 2006 йилга нисбатан атига 2,5 фоизга ўсган, холос.

Кичик бизнес субъектлари инновация соҳасидаги фаолиятини кўпинча охиригача етказа олмай қолади ёки тўлиқ, самарали юрита олмайди, натижада эса ёпилишига тўғри келади. Уларнинг инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришига бўлаётган жиддий тўсиқлардан бири молиявий маблағларнинг етишмаслигидир.

Шунинг учун ҳам кичик бизнес корхоналари ва хусусий тадбиркорликнинг миллий иқтисодиётимиздаги салоҳиятини ошириш ва

³⁰ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Ўзбекистон, 2010 йил.

уларнинг тўлақонли инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича айрим мулоҳаза ва таклифларни билдириш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда кичик бизнес корхоналарининг самарали инновацион фаолият юритишлари учун етарли даражада шарт-шароитлар ва тўлақонли муҳит яратилиши лозимдир.

Бунда давлатнинг амалга оширилаётган иқтисодий ислохатлар доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини тизимли бошқариш ва ривожлантириш орқали рақобатчилик муҳитини шакллантиришга, бозор муносабатларини янада ривожлантиришга ёрдам бериши кўзда тутилиши зарурдир. Иқтисодиётнинг реал секторида инновацион фаолият кўрсатаётган, ички бозор учун янги харидоргир, кам харажатли янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, маҳсулотлари экспортга йўналтирилган кичик бизнес корхоналари учун яна кўшимча имтиёзлар бериш, шунингдек хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун зарур бўладиган, уларнинг ихтёридаги керакли маблағларни хорижий валюталарга конвертирлашдаги муаммолар ва сунъий тўсиқларни бартараф этишда давлат кўмаклашиши даркор. Бугунги кунда мамлакатимизда инновация фаолиятини самарали ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни назарда тутадиган алоҳида қонун қабул қилиш зарурати юзага келган деб ўйлаймиз.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, баъзи ҳолатларда вазирлик ва идоралар даражасида қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар тадбиркорларнинг конституциявий ва қонуний ҳуқуқларга зиддир. Идоравий меъёрий ҳужжатларнинг тез-тез ўзгариб туриши тадбиркорларнинг узоқ муддатли бизнес режалар тузишига ва уларни бажаришига имконият бермайди. Фикримизча, тадбиркорлик фаолиятини фақат Парламент қонунлари асосида тартибга солиш, бундай қонунларни ишлаб чиқишда тадбиркорлик субъектларининг вакиллари кенг жалб қилиш, уларнинг юқори самара берадиган таклифларини албатта инобатга олиш зарурдир.

Давлат ва тадбиркорлар синфи ўртасида аниқ ва доимий диалог ўрнатилиши лозим.

Давлатнинг тартибга солиш функцияси (тадбиркорликни) ички ва ташқи бозорлардаги иқтисодий вазиятларга қараб ўзгариб бориши, иқтисодиёт қанчалик замонавий бўлса, у ҳам шунчалик мос бўлиши керак.

Регионлар кесимида ҳам кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш масалалари ҳали тўлақонли ечимини топгани йўқ, чунки минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги тафовутларини давом этаётганлиги инновацион ривожланишдаги мутаносибликларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Худудларда кўпинча инновацион фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар йирик корхоналар базасида ташкил этилган бўлиб, асосан уларга керак бўладиган оралиқ ва бутловчи материаллар ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Алоҳида янги турдаги провард маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган кичик бизнес субъектлари сони эса ҳали жуда оздир.

Регионларда инвестицияларни жалб этиш бўйича маҳаллий дастурларда инновация ва технологияларни киритишни кўзда тутувчи инновацион лойиҳалар ўз аксини топмаяпти ёки улар тўғрисида аниқ маълумотлар берилмайди. Шунинг учун ҳам худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни ифода этадиган регионал дастурларда инновацион технологияларни жалб этиш кўзда тутилган кичик бизнес корхоналари ташкил этиш масаласига эътиборни кучайтирилиши ўринли бўлади.

Умуман олганда, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аввало регионларни ривожлантириш стратегияси аниқ мақсадларга йўналтирилиши ва тегишли вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозим. Регионал мақсадлар ва вазифалар биринчи навбатда ишчи кучлари, инвестициялар ва бошқа чекланган ресурсларга бўлган регионлараро рақобатни минималлаштиришни, турли регионларнинг стратегиясини ва уларни ривожлантиришни

ихтисослашуви йўналишларини тўлдиришни инобатга олган ҳолда шакллантирилиши шартдир.

Инвестицияларда кўпроқ инновацион технологияларнинг устуворлигини таъминлаш ва уларни регионларга жалб этиш механизмини такомиллаштириш, инновацион кичик бизнесни ривожлантиришни назарда тутиш, иложи борича иқтисодиётни таркибий яхшиланишини ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсишини таъминламайдиган йирик лойиҳалардан воз кечиш зарурдир. Региондаги барча даражадаги раҳбарлар учун янги иш жойларини яратиш, солиқ солиш базаларини кенгайтириш ва аҳоли даромадини ошириш кўрсаткичлари асосий критериялар бўлиб қолиши керак.

Кичик бизнес корхоналарининг самарали инновацион фаолият юритишлари учун давлат томонидан янада етарли даражада шарт-шароитлар ва тўлақонли муҳит яратилган деб бўлмайди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, баъзи ҳолатларда вазирлик ва идораларда қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар тадбиркорларнинг конституциявий ва қонуний ҳуқуқларга зиддир. Идоравий меъёрий ҳужжатларнинг тез-тез ўзгариб туриши тадбиркорларнинг узоқ муддатли бизнес режалар тузишига ва уларни бажаришига имконият бермайди. Фикримизча, тадбиркорлик фаолиятини фақат тегишли қонунлар асосида тартибга солиш, бундай қонунларни ишлаб чиқишда тадбиркорлик субъектларининг вакиллари кенг жалб қилиш, уларнинг юқори самара берадиган таклифларини албатта инобатга олиш зарурдир.

Бундан ташқари, давлат ва тадбиркорлар синфи ўртасида аниқ ва доимий диалог ўрнатиш, давлат, тармоқ вазирликлари ва идоралари, маҳаллий ҳокимият органлари миқёсида ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилишда ва уларни амалиётга жорий этишда ўзаро мутаносибликни таъминлаш ўта муҳимдир.

Давлатнинг тадбиркорликни тартибга солиш функцияси ички ва ташқи бозорлардаги иқтисодий вазиятларга қараб ўзгариб бориши, иқтисодиёт қанчалик замонавий бўлса, у ҳам шунчалик мос бўлиши керак.

Регионлар кесимида ҳам кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш масалалари ҳали тўлақонли ечимини топгани йўқ, чунки минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги айрим тафовутларнинг давом этаётганлиги инновацион ривожланишдаги мутаносибликларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Маҳаллий инвестиция дастурларида инновация ва технологияларни киритишни кўзда тутувчи инновацион лойиҳалар ўз аксини топмаяпти ёки улар тўғрисида аниқ маълумотлар берилмаяпти. Шунинг учун ҳам ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни ифода этадиган регионал дастурларда айниқса, хорижий инновацион технологияларни жалб этиш кўзда тутилган кичик бизнес корхоналари ташкил этиш масаласига эътиборни кучайтирилиши ўринли бўлади.

Умуман олганда, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аввало регионларни ривожлантириш стратегияси аниқ мақсадларга йўналтирилиши ва тегишли вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозим. Регионал мақсадлар ва вазифалар биринчи навбатда, ишчи кучлари, инвестициялар ва бошқа чекланган ресурсларга бўлган регионлараро рақобатни минималлаштиришни, турли регионларнинг стратегиясини ва уларни ривожлантиришни ихтисослашуви йўналишларини тўлдиришни инобатга олган ҳолда шакллантирилиши шартдир.

Инвестиция дастурларида кўпроқ инновацион технологияларнинг устуворлигини таъминлаш ва уларни регионларга жалб этиш механизмини такомиллаштириш, инновацион кичик бизнесни ривожлантиришни назарда тутиш, иложи борича иқтисодиётни таркибий яхшиланишини ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсишини таъминламайдиган йирик лойиҳалардан воз кечиш зарурдир. Регионларда иқтисодий ўсишни таъминлашда, кичик бизнес субъектларини ва хусусий тадбиркорликни инновацион асосда

ташкил этишда янги иш жойларини яратиш, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш, солиқ солиш базаларини кенгайтириш ва аҳоли даромадини ошириш кўрсаткичлари асосий критериялар бўлиб қолиши керак.

Инновацион ғоялар, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар, уларнинг бевосита амалиётга жориш этилиши мамлакатнинг инновацион потенциалини баҳолаш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни яратишнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда амалиётда қўлланиши мумкин бўлган илмий тадқиқот ишларининг кўпчилиги товарларини сотишдан тушган фойдасининг бир қисмини илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ўзлари молиялаштириш имкониятига эга бўлган йирик компаниялар ва корхоналар томонидан амалга оширилмоқда.

Кичик корхоналарнинг инновацион фаолияти натижаси сифатида юзага чиқаётган илмий янгиликларнинг улуши ортиб бориши лозимдир. Бундай корхоналарнинг кўпчилиги ўзларининг шахсий ишлаб чиқариш объектларига, лабораторияларига ва бошқа асбоб-ускуналарига эга бўлмасда, лекин иқтисодиётнинг етакчи соҳаларидаги йирик корхоналар билан субконтракт муносабатлари асосида инновацион жараёнларини тўғри ва ақлан ташкиллаштирган ҳолда катта муваффақиятларга эришишлари мумкин. Шундай асосда ташкил этилган кичик корхоналар инновацион фаолиятини янги технологияларни эмас, балки инновацион маҳсулотларни яратишга қаратади. Табиийки, маҳсулотларни яхшиланган модификацияси билан алмаштириш уларнинг ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, бозордаги позициясини кенгайтириш ва келгусида инновацион фаолиятни янада ошириш имконини беради.

Худудларда кўпинча инновацион фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар йирик корхоналар базасида ташкил этилган бўлиб, асосан уларга керак бўладиган оралик ва бутловчи материаллар ишлаб чиқаришга

йўналтирилган. Алоҳида янги турдаги провард маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган кичик бизнес субъектлари сони эса жуда оздир.

Кичик бизнес субъектлари инновация соҳасидаги фаолиятини кўпинча охиригача етказа олмай қолади ёки тўлиқ, самарали юрита олмайди, натижада эса ёпилишига тўғри келади. Уларнинг инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришига бўлаётган жиддий тўсиқлардан бири молиявий маблағларнинг етишмаслигидир.

Илмий-тадқиқот ишларидан фарқли ўлароқ, кичик корхоналарнинг инжиниринг фаолиятини ривожлантириш даркор. Чунки бундай фаолият орқали бевосита инновацион ғояларни, моделларни, ишланмаларнинг натижавий эҳтимолини баҳолаш, тижоратлаштириш истиқболлари ва техник прогнозлаш ҳамда инновацион янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича қарорлар қабул қилинади. Инжиниринг фаолият орқали ҳам илмий тадқиқотларни ва ишланмаларни, ҳам ишлаб чиқаришни бирлаштириш, саноат мулки объектларини шакллантириш, янги техникаларни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш ва эксплуатация қилишни ва бунинг учун интеллектуал, иқтисодий ва бошқа ресурслар сарфлашни назарда тутати.

Кичик корхоналар инжиниринг фаолиятида устувор вазифаларни аниқлаш ва уларни ечиш учун чекланган ресурсларни тақсимлаш муаммосига дуч келади. Бундай ҳолларда, фикримизча йирик саноат корхоналари томонидан венчур капитали ажратиш ва ўзларининг илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик бўлинмаларини бериш йўли билан инжиниринг кичик корхоналарни молиялаштиришга кўмак берилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Кичик корхоналарнинг эса етишмаётган ресурсларни субконтракт асосида бошқа корхоналар ва илмий муассасалардан ҳамкорлик йўли билан жалб қилиш имкониятига эга бўлиши тақоза этилади.

Янги ёки модификация қилинган маҳсулотларни яратиш бўйича аниқ вазифаларни ҳал этишда йирик ва инжиниринг кичик бизнес корхоналари расмий ёки норасмий тарзда бирлашиши орқали ўзаро ҳамкорлик қилишлари мумкин. Шунингдек, баъзан йирик корхоналар таркибидан турли инновацион

характердаги масалаларни ечиш учун мустақил кичик корхоналарнинг ажралиб чиқиши ҳам ўринлидир.

Йирик корхоналар ҳам илмий-ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик корхоналар билан ҳамкорлик қилиш масаласига эътиборларини ошириши лозим. Агар улар ўзларининг илмий ва тажриба-конструкторлик ишларини нафақат мураккаб масалаларни еча оладиган юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш, балки маҳсулотни тажриба учун эмас, ҳатто зарур бўлса, саноат партияларини ишлаб чиқара оладиган кичик бизнес корхоналари билан бирга ташкил этишса, харажатларини ҳам камайтириш имкониятига эга бўлади.

- иқтисодиёт реал секторидаги кичик бизнес инновация фаолиятини рағбатлантирувчи молиявий дастакларни, жумладан солиқ ва божхона имтиёзларини ошириш ва бошқа преференцияларнинг самарали тизимини шакллантириш ва жорий қилиш;

- молия-кредит тизимини такомиллаштириш ҳамда инновацион фаолият кўрсатадиган кичик бизнес субъектларининг кредит манбалари ва сармояларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

- кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини кафолатлаш мақсадида суғурта тизимининг аҳамиятини ошириш.

III боб бўйича хулоса

1. Ўзбекистонда кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини янада такомиллаштиришда жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва уларнинг ижобий томонларидан инобатга самарали фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Кўплаб мамлакатларда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш етарли ресурс имкониятларига ва бошқарув ваколатига эга бўлган махсус давлат органлари зиммасига юклатилган.

2. Регионларда инвестицияларни жалб этиш бўйича маҳаллий дастурларда инновация ва технологияларни киритишни кўзда тутувчи

инновацион лойиҳалар ўз аксини топмаяпти ёки улар тўғрисида аниқ маълумотлар берилмайди. Шунинг учун ҳам ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни ифода этадиган регионал дастурларда инновацион технологияларни жалб этиш кўзда тутилган кичик бизнес корхоналари ташкил этиш масаласига эътиборни кучайтирилиши ўринли бўлади.

3. Ҳозирда кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, миллий иқтисодиётимизда кичик бизнес субъектлари сони ва ўрни ортиб бораётган бўлса-да, инновацион технологиялар жорий қилинган кичик бизнес корхоналарининг салмоғи у даражада юқори эмас. Ҳали ташқи бозорда рақобат қила оладиган, экспортга мўлжалланган товарлар ишлаб чиқарувчи кичик бизнес корхоналарининг мамлакат ЯИМдаги улуши жуда камдир. Шунинг учун мамлакатимизда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини рағбатлантиришни уларнинг натижавий маҳсулотининг экспортга қанчалик моликлиги билан ҳам боғлаш лозим.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган чора тадбирлар ва дастурлар, амалга оширилаётган ижобий иилар ҳамда магистрлик иши мавзуси юзасидан ўтказилган тадқиқотлар натижасидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулоса ва таклифларни эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

1. Давлат томонидан иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат натижасида бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортиб бормоқда. У мамлакатимизда етакчи кучга айланиб, бозорни рақобатбардош товар ва хизматлар билан тўлдириш, аҳоли даромади ва фаровонлигини оширишнинг асосий манбаи, иш билан таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг асосий омилидир.

Шу билан бирга, кичик бизнеснинг иқтисодиёт реал секторидаги ва экспортдаги улуши пастлиги, кичик бизнес инновацион фаолиятининг етарли

даражада ривожланманганлиги иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида кичик бизнесни ривожлантиришга устувор аҳамият беришни талаб этади.

2. Кичик бизнес инновацион фаолиятининг муваффақиятини таъминлаш мақсадида менежментни инновацион маркетинг билан боғлаш муҳимдир. Кичик бизнес фаолиятига инновацион маркетингни тадбиқ этилиши янги маҳсулот ишлаб чиқариш тўғрисидаги ғояни етарли даражада асосланишидан тортиб, унинг асосида яратилган янги маҳсулотни бозорда кучли ўрин эгаллашигача бўлган циклни ўз ичига олувчи инновацияларнинг умри боқийлигини таъминлайди.

Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини бошқариш бу тоифадаги субъектлар тез ривожланаётган бозор жараёнларида рақобатлаша олиш имкониятини берувчи янгитехнологиялар мажмуасини ўзида мужассам этиши лозим. Инновацияларни бошқаришнинг янги технологияларини амалда жорий этилиши натижасида келгусида инновацияларни тижоратлаштириш муаммоси ҳам ўзининг ижобий ечимини топади.

3. Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятининг самарадорлиги биринчи навбатда уни малакали билим ва кўникмаларга эга бўлган инноваторлар ишининг натижавийлигига боғлиқ бўлиб, инновацион фаолиятни бошқариш жараёнида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш тавсия этилади:

- кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш юзасидан аниқ стратегик ва тактик мақсадларни аниқлаш ҳамда мукамал инновацион стратегиялар тизимини ишлаб чиқиш;

- кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган қисқа ва узок муддатлаи йўналишларни ишлаб чиқиш;

- инновациялар билан боғлиқ бўлган ахборотларни йиғиш, таҳлил этиш тизимини яратиш;

- мамлакатда самарали инновацион фаолиятни амалга оширишга хизмат қиладиган инновация инфартузилмасини шакллантириш ва келгусида унинг тўлақонли ривожланишини таъминлаш;

- инновацион лойиҳалар ва молиялаштириш масалалари билан шуғулланадиган ташкилотлар тузиш, кадрлар тайёрлаш.

4. Табиийки, кичик бизнес корхоналарининг ривожланишини ва инновацион фаолиятини рағбатлантирмасдан туриб ҳеч қандай ижобий натижага эришиб бўлмайди. Кичик бизнес инновацион фаолиятини ривожланиши, муаммолари, омиллари, механизмлари, усуллари ва унсурларини ўрганиш, тадқиқ қилиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, бироқ ҳали бу фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича мукамал, самарали механизм ишлаб чиқилгани йўқ.

Бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини кенг-қўламли рағбатлантиришни назарда тутувчи, иқтисодиётнинг янада ривожланишига замин бўла оладиган такомиллашган тизимни шакллантириш лозим.

5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини лойиҳалаштириш ва амалга ошириш энг аввало уларнинг молиявий аҳволига боғлиқ. Кўпинча кичик бизнес корхоналари инновацион фаолиятини ўз маблағлари етарли бўлмаганлиги сабабли амалга ошира олмайди, шунинг учун уни молиялаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Келгусида давлат томонидан кичик бизнес корхоналарининг инновацион фаолиятини таъминлашнинг муҳим манбалари сифатида қуйидаги йўналишларда чора-тадбирлар кўрилиши зарурдир:

- давлат аҳамиятига эга бўлган ижтимоий-иқтисодий дастурларни, йирик инновацион тадбирларни амалга оширишда кичик бизнес субъектларни жалб этиш ва уларнинг инновацион фаолиятини республика ва ҳудудий бюджетдан молиялаштириш чораларини кўриш;

- кичик бизнес корхоналарининг инновацион фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш учун турли солиқ имтиёзларини яратиш ва айниқса

иқтисодиётнинг реал секторидаги инновацион фаолиятни молиявий рағбатлантиришга эътибор қаратиш;

- кичик бизнеснинг инновацион фаолиятини тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитларнинг ҳажмини янада ошириш ва кредит ставкаларини камайтириш;

- кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини молиялаштириш учун турли хомий сармояларини жалб этиш.

6. Ҳорижий ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимизда кичик бизнеснинг инновацион ривожланишида уларнинг ижобий натижаларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш ҳам иқтисодиётимизни барқарор ўсишини таъминлаш, мамлакатимиздан венчур молиялаштириш усулини жорий этиш юзасидан чоралар кўриш даркор.

7. “Инновациялар ва инновация фаолияти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳасини кенг жамоатчилик билан бирга муҳокама этишни йўлга қўйиш ва уни мукамал ҳолда қабул қилишни таъминлаш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1.1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида” ги қонуни. 1990 йил 30 октябр.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистонда тадбиркорлик тўғрисида” ги қонуни. 1991 йил 15 феврал.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида” ги қонуни. 1991 йил.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш тўғрисида” ги қонуни. 1995 йил 21 декабр.

1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлар фаолияти эркинлигини кафолатлари тўғрисида” ги қонуни. 2000 йил 25 май.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг фармонлари, қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

2.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 февралдаги “Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ҳисобот беришини қисқартириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 65-сонли қарори.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги “Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишининг рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги 195-сонли қарори.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 8 январдаги “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ги и 347-сонли қарори.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш

тадбирлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 357-сонли Қарори.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3620 сонли Фармони.

2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июлдаги “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги 100-сонли қарори.

2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3619 сонли Фармони.

2.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кен-гайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони.

2.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш бўйича хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-357 сонли қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари ва нутқлари

3.1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т: “Ўзбекистон”, 1992. – 78 б.

3.2. Каримов И.А. Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т: “Ўзбекистон”, 1993.– 128 б.

3.3. Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.Т.: “Ўзбекистон” 1995. - 269 б.

3.4. Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: “Ўзбекистон” 1999. - 683 б.

3.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 20131 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифалари тўғрисида” йиғилиши материаллари, Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь.

3.6. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: “Ўзбекистон” 2005. - 96 б.

3.7. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. –Т: “Ўзбекистон, 2009.-54 б.

IV. Асосий адабиётлар.

4.1. Абдуллаев Ё. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари 100 саволга-100 жавоб. -Т.: “Меҳнат” 2002. - 156 б.

4.2. Абулқосимов Х. Хусусий кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий муаммолари. -Т.: “ТДИУ” 1998. -189 б.

4.3.Абдуллаев Ё. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. –Т.: Меҳнат 2002. -34 б.

4.4.Баранчеев В.П., Мартынов Л.М. Управление инновационным бизнесом: обзор актуальных идей: Научно-методическое пособие.- М.; Компания Спутник , 2005. – 160 с.

4.5.Вахобов А.В., Жумаев Н.Х., Хошимов Э.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш йўллари. –Т.:”Akademnashr”, 2009.- 142 б.

4.6.Дашков Л. И др. Предпринимательство и бизнес. -М.: 1995. -250 с.

4.7.Кантильон Р. Основы предпринимательской деятельности. -М.: 1994. – 44 с.

4.8.Макконель К.Р, Брю С.А. Экономикс. М: 1997. т.1 -221 с.

4.9.Маршалл А. Принципы экономического развития. Пер. с.англ. –М.: “Прогресс”, 1993, -377 б.

V. Қўшимча адабиётлар

5.1. Арипов О., Мирзаолимов Р. Кичик бизнес: давлат механизми фаолияти. // Ж.Бозор, пул ва кредит. -2004. №2 –17 б.

5.2. Бекмуродов А., Гафуров У. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ривожланиш йўналишлари ва муаммолари //Иқтисодий ислохотлар амалда, эришилган ютуқлар ва муаммолар. – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган илмий мақолалар тўплами. -Т.: ТДИУ. 2006. 17-18 б.

5.3. Иватов Ш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш омиллари. // Ж. Бозор, пул ва кредит. 2003. №11. -41 б.

5.4. Инамова Г., Шарипова М. Бозор иқтисодиёти шароитида кичик ва хусусий бизнесни аҳамияти. // Ж. Бозор, пул ва кредит. 2004. №7-8. 52 б.

5.5. Ходиев Б.Ю. Эркин бозор ва тадбиркорлик. – Т.: “Фан ва турмуш”. Т.: 2000, № 2, -31 б.

5.6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари (2000-2012 йиллар).

VIII. Интернет маълумотлари

6.1. Кичик корхоналар вакилларининг бешинчи Бутунроссия конференцияси материаллари, 2005 йил март. [http: //www.goteway.uz](http://www.goteway.uz).

6.2. The Small and Medium Business Administration – SMBA. [http: //www.smba.go.kr / main / English / index.jsp](http://www.smba.go.kr / main / English / index.jsp). 2004 у.

6.3. Small and Medium Enterprise Agency – SMEA. [http: // www.chusho.meti.go.jp / sme_english / index.html](http://www.chusho.meti.go.jp / sme_english / index.html). 2004 у.

6.4. Польского агентства развития предпринимательства – ПАРП. [http: //www.parp.pl](http://www.parp.pl), 2004 г.

6.5. Администрация малого бизнеса США-АМБ., 2005 г. <http://www.sba.gov>

6.6. www.extech.ru

6.7. www.dn.kz

6.8. www.spprinfo.ru

6.9. www.cer.uz

6.10. www.uzlaw.uz